

Боқий фикр

Ватан, халқ суҳратини дунёга тараннум этишда спортнинг ўрни беқиёсдир. Жаҳон миқёсидаги кўплаб нуфузли мусобақаларда ўзбек ёшлари эришган галабалар бу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

Kuch - bilim va tafakkurda

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2016-yil 21-sentabr, chorshanba № 76 (8930)

ИСТИҚБОЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи, Республика Бош вазири Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 20 сентябрь кuni Ангрэн шахрига ташир буюрди.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш мақсадида 2012 йилда ташкил этилган «Ангрэн» махсус индустриал зонасида кенг кўламли ишлар, жумладан, 11 йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Жорий йилнинг охирига қадар яна 7 ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2015 йил 28 августдаги қарорига мувофиқ ҳаётга татбиқ этилаётган «Ангрэн»

махсус индустриал зонаси ҳудудда конвейер ленталари, қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобиль шиналари ишлаб чиқаришни ташкил этиш» лойиҳасининг амалга оширилиш жараёни билан танишди. Бу ерда йилга 100 минг погон метр конвейер лентаси, қишлоқ хўжалиги техникаси учун 200 мингта шина, 3 миллион дона автомобиль шинаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Мазкур йирик саноат корхонаси мустақиллигининг 26 йиллиги арафасида ишга туширилиши қайд этилди.

(Давоми 2-бетда.)

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

2016 йил 19 сентябрь кuni Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этди.

Saylov — 2016

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонуннинг 24-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадирлар.

Бунда сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

Мазкур қонуннинг 24-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия сайловга камида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши лозим.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг ваколатли вакилларига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд этилган маълумотномани берди.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонунга мувофиқ, сайловда иштирок этувчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш навбатига қараб марказий матбуотда эълон қилинади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО ШАҲРИДА (БРАЗИЛИЯ) БЎЛИБ ЎТГАН XV ЁЗГИ ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ ҲОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИНИ ПУЛ МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшлар ўртасида Паралимпия ҳаракатини тарғиб этишдаги фаол иштироки, Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида муносиб иштироки, жасорат, матонат ва мардлик намунасини кўрсатиб, юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини янада юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшгани учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 июлдаги ПҚ-2558-сон қарорига мувофиқ:

1. Қуйидаги спортчилар бирийўла тўланадиган пул мукофоти билан тақдирлансинлар:

олтин медаль олгани учун
ҳар бири 200 000 АҚШ доллари билан:

Намозов Шерзод Насимович — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;
Нигматов Уткиржон Исмаилло ўғли — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;
Тулендибаев Адилжон Ришатович — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Норбеков Хусниддин Киличбоевич — енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;
Свечников Александр Владимирович — енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Каюмова Нозимахон Номонжоновна — енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Мусабеков Фирдавсбек Улуғбек ўғли — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;
Амилова Фотимахон Равшанбек қизи — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

кумуш медаль олгани учун
ҳар бири 100 000 АҚШ доллари билан:


Алимова Хайтжон Абдулла қизи — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;
Бурхонова Сафия Каимовна — енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;
Одилова Муслима Улуғбек қизи — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;
Панков Кирилл Дмитриевич — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

(Давоми 2-бетда.)

Паралимпиячиларимизнинг улкан ютуғи



Rio 2016
PARALYMPIC GAMES



Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳри мезбонлик қилган XV ёзги Паралимпия ўйинлари ҳам якунига етди.

миллионлаб қалбларни ғурур ва ифтихорга тўлдирмоқда



Нуфузли мусобақа юртдошларимиз учун энг сермахсул спорт тадбири сифатида янада ёдда қоладиган воқелик бўлди. Бойси, мазкур паралимпиадада вакилларимиз кўплаб медаллар жамғариб, ўзларининг нималарга қодир эканини яна бир қарра жаҳонга намойиш этди.

Таъкидлаш жоизки, Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 25 фев-

ралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарори ушбу нуфузли мусобақада спортчиларимизнинг юксак натижаларга эришишида муҳим дастуриламал бўлди.

(Давоми 15-бетда.)

ИСТИҚБОЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши 1 минг 200 иш ўрни ташкил этиш имконини беради.

Шу куни Шавкат Мирзиёев Ангрэн ИЭСда 2016 йилнинг август ойида ишга туширилган янги энергия блокин кўздан кечирди. Замоновий технологиянинг жорий этилиши натижасида йилга 1 миллион тонна кўмирдан самарали фойдаланишга эришилади ва бу орқали 840 миллион кВт/соат электр энергияси ва 423 минг гигакалория иккилик энергияси ишлаб чиқарилади. Янги энергия блокиннинг ишга туширилиши ёқилги сарфини камайтириш, атмосферага газ чиқиндилари чиқишини сезиларли равишда қисқартиришни таъминлайди.

Шавкат Мирзиёев «Ўзбек кўмир» акциядорлик жамияти фаолияти, Ангрэн кўмир қонида ёқилги қазиб олиш ва етказиб бериш ишлари, бу ерда амалга оширилаётган техник қайта жиҳозлаш жараёни билан ҳам танишди.

Жорий йил бошидан буён қонларни қазиб ишлари ҳажми 15,4 миллион куб метрдан ошди, 2,6 миллион тонна кўмир қазиб олинди. 2016 йилнинг охирига қазиб олиш ҳажмини 3,7 миллион тоннага етказиш режалаштирилган.

Танишув жараёнида мазкур саноат қорхоналари учун ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, мутахассисларнинг етакчи хорижий компанияларда малака оширишини ташкил этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Ангрэн шахрида амалга оширилаётган ободонлаштириш, уй-жой ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишлари билан танишди. Хусусан, мак-

табгача таълим муассасаси, деҳқон бозорини бориб кўрди.

Учрашувларда аҳоли учун қулай яшаш шароитларини, ижтимоий инфратузилмани янада такомиллаштириш, коммунал хизматларни яхшилаш, ҳудудларни ободонлаштириш, замоновий истироҳат ва дам олиш боғларини барпо этиш лойиҳаларини амалга оширишга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ангрэн шахри раҳбарлари ва фаоллари иштирокида ўтказилган йиғилишда Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳасида йирик лойиҳаларни бошлаб берган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг фаолияти, улкан хизматлари алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 сентябрдаги «2016—2018 йилларда Тошкент вилояти шаҳарлари ва туманларини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори похтакт вилоятини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида қайд этилди.

Танқидий рўхда ўтган йиғилишда Ангрэн шахри ижтимоий инфратузилмасини модернизациялаш масалалари таҳлил этилди. Шаҳар ҳокими, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига мавжуд камчиликларни бартараф этишга доир кўрсатмалар берилди.

Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятига ташрифи давомида пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва кузги экин ишларининг бориши билан ҳам танишди. Фермерлар, соҳа ходимлари билан учрашув чоғида қишлоқ ҳўжалиги ишларини қисқа муддатда уюшқоқлик билан ўтказиш масаласи атрофлича муҳокама этилиб, тегишли топшириқ ва тавсиялар берилди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА махсус муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО ШАҲРИДА (БРАЗИЛИЯ) БЎЛИБ ЎТГАН XV ЁЗГИ ПАРАЛИМПИА ЯЙИНЛАРИ ГОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИНИ ПУЛ МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

бронза медали олгани учун ҳар бири 75 000 АҚШ доллари билан:

Бобоев Шухрат Шоназарович — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси; Саидов Феруз Бешимович — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси; Шарипов Ширин Хомитович — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси; Салаева Севинч Одамбай кизи — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси; Раҳимова Гулрух Илхамбековна — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси; Нурметова Турсунпаша Бахрамовна — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Салиев Дониёр Нурулла ўғли — энгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Бозоров Аҳрор Ботирович — пауэрлифтинг бўйича терма жамоа аъзоси;

Турсунхўжаев Музаффар Шухратилло ўғли — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

Хорлин Дмитрий Сергеевич — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси; Тошпулатова Шохсанамхон Дилшодбек кизи — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

Ибрагимов Сервер Юсуфович — ўқ отиш бўйича терма жамоа аъзоси;

Сахатов Миран Мирюновович — энгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Хамраев Фахриддин Фарходович — энгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Абдурашидов Мансур Самат ўғли — энгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси.

2. Белгилаб қўйилсинки, пул мукофотларини тўлаш Ўзбекистон Рес-

публикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан хорижий валютада — АҚШ долларида, банкда жисмоний шахслар учун белгиланган тартибда очиладиган депозит ҳисоб рақамларидан, солиқ ундирилмасдан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу мақсадлар учун зарур пул маблағлари ўз вақтида ажратилишини таъминласин, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эса Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда ажратилган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг бюуртманомалари бўйича белгиланган тартибда конвертация қилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси спорт делегацияси таркибидидаги спортчиларнинг 2016 йилдаги XXXI Ёзги Олимпиада ва XV Паралимпия ўйинлари қатнашчилари Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридидаги Олимпиячиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан сотиб олинган «Малибу» маркали энгил автомобиллари билан иловага мувофиқ мукофотлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, ушбу фармойиш асосида жисмоний шахсларга берилган энгил автомобиллар қийматига жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи солинмайди.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И.Икромов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифасини бажарувчи Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 19 сентябрь

Навқирон авлод истиқболи йўлида

«Туркистон» саройида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг яқинда қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунининг тарғиботида бағишланган йўналиш ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқтартибот идоралари, таълим фидойилари, маънавий тарғиботчилари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Обидов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Шодмонов, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Т.Мадумаров, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ганиев ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислам

Каримов раҳнамолигида навқирон авлодининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг келажаги йўлида доимий ғамхўрлик кўрсатишининг миллий тизимига асос солинганини таъкидлади. Мазкур қонун ҳам Биринчи Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда яратилган миллий қонунчилик тизими — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим, бола ҳуқуқларининг кафолатлари, васийлик ва ҳомийлик, жисмоний тарбия ва спорт, воёга етмагандар ҳуқуқларига оид қонунларда, 300 га яқин ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатда ёшларнинг ижтимоий муҳофазаси, таъ-

лим-тарбияси, касб-хунар эгаллари, меҳнат бандлиги, жисмоний, ижодий-интеллектуал салоҳиятининг камол топишига дахлдор долзарб масалалар акс эттирилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон ёшларга кечисиз меҳр кўрсатиш, болалар саломатлиги ҳақида қайғуриш, давлат бюд-

Yangi qonun kuchga kirdi

жетидан таълимга тобора кўпроқ маблағ йўналтириш, ўқув жараёнига инновацион аниқликларни кенг жорий этиш, қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя каби кўрсаткичлар бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлар сафидан ўрин олган.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган «Ёшларга оид давлат

сиёсати тўғрисида»ги қонуни навқирон авлодга бўлган эътибор кўламини янада кенгайтириш, бу борада ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни кучайтиришда янги уфқларни белгилаб беради. Тўрт боб, ўттиз уч моддадан иборат мазкур ҳужжат очик-қирин ҳужжат ёшларнинг ҳуқуқлари, фуқароларнинг эзгу ташаббусларига қанот бериш, маънавий-ахлоқий, маданий кадрларнинг устуворлиги каби тамойилларга таянади. Қонунда ҳуқуқат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ишлари, меҳнат, адлия, ички ишлар, муҳофаз, прокуратура идоралари, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларига тааллуқли ваколатлар аниқ белгиланган.

Мазкур ҳужжатда ёшлар ҳуқуқлари ва эркинликларининг, уларга оид ижтимоий ҳимоя кафолатлари, тадбиркор йигит-қизлар, истеъдод соҳибларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг механизмлари мустаҳкамлаб қўйилган.

— Ҳар бир мамлакатнинг истиқболи уларда камол топаётган ёшлар билан бевосита боғлиқ, — дейди Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пулатова. — «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилингани ўғил-қизларнинг таълим олиши, бандлигини таъминлаш, уларни ватанпарвар, юртга садоқатли, фаол фуқаролик позициясига эга шахс этиб тарбиялашдаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришда, бу йўналишдаги ишларни давр руҳига ҳамохам йўлга қўйишда янги имкониятлар очади.

Иштирокчиларнинг мазкур қонунга оид саволларига мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

2016-yil 21-sentabr, № 76 (8933)

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР САЙЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ҚИЛДИ

2016 йил 20 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этди.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссиясига комиссия аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида тадбир ташкил этилди. Унда Президент сайлови демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси, халқнинг хоҳиш-иродаси эркин ифодаланиши, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шакли ҳисобланиши таъкидланди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 24-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадир.

Бунда сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камидан олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

Мазкур қонуннинг 24-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия сайловга камидан етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши лозим.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг ваколатли вакилларига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд этилган маълумотномани берди.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, сайловда иштирок этувчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш навбатида қараб марказий матбуотда эълон қилинади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ВА "АДОЛАТ" СОЦИАЛ- ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

2016 йил 17 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги VI Пленуми бўлиб ўтди.

Пленум иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиянинг муносиб иштирокини таъминлаш борасидаги вазифалар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод кўрсатиш, Ўзбекистон ХДПнинг X Курултойини чақириш ва унинг кун тартиби, партия курултойига вакиллик меъёри ва уларни сайлаш тартиби тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилди.

Пленумда сиёсий партиялар учун яратиб берилган кенг ҳуқуқ ва имкониятлардан тўла фойдаланиб, партиянинг дастурий мақсад ва голяри ҳамда унинг электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг муносиб иштирокини таъминлаш борасидаги долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Кун тартибидagi асосий масала — Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш масаласи ҳам алоҳида муҳокама қилинди.

Бу борада партия электорати, тарафдор ва фаоллари томонидан тавсия этилган ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси, партия фракцияси раҳбари Ҳотамжон Абдурахмоновчи Кетмонов партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиянинг Курултойида кўриб чиқиш учун номзод сифатида кўрсатилди.

Шунингдек, Пленумда Ўзбекистон ХДПнинг X Курултойини жорий йилнинг 14 октябрь куни чақириш ва унинг кун тартиби ҳамда партия Курултойига вакиллик меъёри ва уларни сайлаш тартиби каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар томонидан сайловолди тарғиботи даврида партия ташкилотлари ва фаолларининг самарали иш юритиши, қонун билан белгиланган ваколатларни тўла ишга солган ҳолда, биринчи навбатда юртимиздаги мазкур муҳим сиёсий жараёнлардан аҳолининг хабардорлигини оширишга қаратилган тарғибот тадбирларининг сифати ва самарадорлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Билдирилган тақлиф ва тавсияларни инобатга олган ҳолда, муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан ЎзХДП Марказий Кенгаши VI Пленуми тегишли қарорларни қабул қилди.

2016 йил 17 сентябрь куни Ўзбекистон "Адолат" Социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг VI Пленуми бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг жорий йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги иштироки тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу жараёнда партиянинг муносиб иштирок этиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Партия Сиёсий Кенгаши аъзолари Президент сайлови демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси, халқнинг хо-

ҳиш-иродаси эркин ифодаланиши, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шакли эканини қайд этди.

Ўз навбатида "Адолат" СДПнинг дастурий мақсад ва вазифалари ўзида аҳоли манфаатларини ифода этиши ҳамда бўлажак сайлов партия голяларини яна бир бор сайловчилар орасида кенг тарғиб қилиш, партиядан кўрсатиладиган Президентликка номзоднинг сайловолди дастури орқали электорат манфаатларини янада чуқурроқ ифодалаш имконини бериши таъкидланди.

Муҳокамалар давомида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши мақсадга мувофиқ деб топилди. Мазкур масалада, партия электорати ва тарафдорларининг хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, Сиёсий Кенгаши раиси, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Наримон Мажитович Умаров номзодини партиянинг навбатдаги VIII Курултойида кўрсатиш тақлифи қўллаб-қувватланди.

Партиянинг ушбу сайловда иштироки билан боғлиқ масалалар унинг олий органи — Курултойида ҳал қилинишидан келиб чиққан ҳолда мажлис қатнашчилари Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг навбатдаги VIII Курултойи 2016 йилнинг 15 октябрь куни Тошкент шаҳрида чақирилишини белгилаб олди.

Пленум иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш мақсадида тайёргарлик ишларини кучайтириш, Марказий сайлов комиссиясига белгиланган ҳужжатларни ўз вақтида тақдим қилиш каби масалаларга тўхталиб ўтди.

ЎЗА

Математиклар анжумани

Самарқанд давлат университетида "Ночизикли анализ ва унинг татбиқлари" мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Самарқанд давлат университети ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиздаги олий ўқув юртли ва илмий-тадқиқот институтлари вакиллари билан бирга АҚШ, Германия, Италия, Малайзия, Польша, Россия, Франция, Қозғистон, Япониядан мутахассислар қатнашди.

Мирзо Улуғбек номида-

ги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Математика институти директори, академик Ш.Аюпов, Самарқанд давлат университети ректори А.Холмухамедов ва бошқалар илм-фан соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар, соҳа ходимларининг давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши натижасида юртимиз олимлари барча фан йўналишларида кенг миқёсли илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётганини таъкидлади. Бу изланишлар юксак самаралар бериб, мамлакатимизда ҳар бир фан

тармоғи бўйича ўзига хос илмий мактаблар шаклланиган ва уларнинг фаолияти хорижлик мутахассисларни ҳам қизиқтириб келмоқда.



Ta'lim

Мазкур анжуман ҳам юртимизда фундаментал ва амалий математика бўйича қўлга киритилган янги илмий натижалар ва тенденцияларни таҳлил этиш, бу борада хорижий мамлакатлар олимлари билан тажриба алмашиш ҳамда янги методларни ишлаб чиқишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— 2009 йилдан буён илмий изланишлар олиб бораман, — дейди Самарқанд давлат университети механика-математика факультети функционал анализ кафедраси ассистенти С.Улашев. — Тадқиқот мавзуси бўйича бир қатор хорижий мамлакатларда ўтказилган халқаро анжуманларда қатнашдим, малака ошириш курсларида ўқиб қайтдим. Ушбу жараёнда шунга амин бўлдимки, математика бўйича юртимизда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари кўламини ва самарадорлигини чет давлатлардаги билан қиёслаган-

да ибратга моллик. Бугунги анжуманда ҳам бу жиҳатлар алоҳида таъкидланди.

Конференцияда мутахассислар алгебра ва функционал анализ, оддий дифференциал тенгламалар динамика системалари, хусусий ҳосилли тенгламалар, математик физиканинг нокоррект масалалари, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, амалий механика ва унинг татбиқлари йўналишлари бўйича шўъбаларга бўлинган ҳолда маърузалар тинглади. Илмий-техник дастурлар доирасида мазкур йўналишларда бажарилаётган 15 дан ортиқ илмий лойиха натижалари муҳокама этилди.

Ҳ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА муҳбири

Yangiliklarda yurt nafari



Ўзбекистон Бадий академияси Халқаро маданият карвон саройида «Археология устахонаси – 2016» маҳорат сабоқлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Бадий академияси, Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, Япония халқаро ҳамкорлик фонди ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу маҳорат сабоқларида археология соҳасида изланиш олиб бораётган ёш мутахассислар, олимлар, музей ходимлари, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари иштирок этди.

Қадимий археологик обидаларни сақлаш, консервациялаш, қайта таъмирлашга оид лойиҳа доирасида ташкил этилган «Археология устахонаси – 2016» маҳорат сабоқлари Ўзбекистон ва Япония олимлари томонидан ўтказилиб, у ёш археолог, реставратор, музей ходимлари, талаба-ёшларнинг малакасини янада ошириш, мутахассисларнинг ўзаро фикр алмашиши учун кенг имконият яратди.

Маҳорат сабоқлари доирасида археология асослари, археологик ишларни олиб боришдаги асосий тамойиллар, топилмаларни сақлаш усуллари ҳақида маълумотлар тингловчиларга тақдим этилди. Шу билан бирга, археологик топилмалар ва ёдгорлик мажмуалари асосида муайян объектни батафсил тасвирлаш, топилмаларни консервациялаш ва қайта тиклаш, тазалаш, кулолчилик буюмлари таркибига оид машғулотлар ўтказилди. Ўқув машғулотлари якунида тингловчиларга сертификатлар топширилди.

Пойтахтимизда «Юксак ҳуқуқий маданият — келажак пойдевори» мавзуда семинар бўлиб ўтди. Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан ташкил этилган тадбирда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабалари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгилангани таъкидланди. Зеро, жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу бордаги ислохотларнинг самараси кўп жиҳатдан фуқароларнинг, муваққил ҳаётга кириб келаётган ёшларнинг ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир.

Ёш авлоднинг ҳуқуқий билимини юксалтиришда ҳуқуқий адабиётлар муҳим аҳамиятга эга. Ўтган йиллар давомида бу йўналишда ўн мингдан ортиқ номда дарслик ва ўқув-услубий кўлланмалар яратилди. Ҳуқуқий тарғибот ишларини кўргазмалар куралини ёрдамида олиб бориш мақсадида плакат ва буклетлар чоп этиб келинмоқда.

Тадбирда ёшлар ҳуқуқларига оид қабул қилинган янги қонун ҳужжатлари моҳияти ҳақида ҳам маълумот берилди. Жумладан, 2016 йил 15 сентябрда қучга кирган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари мустаҳкамлаб қўйилгани таъкидланди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Тарбиячилар тажрибаларини ўртоқлашишди

Учкўприк туманидаги 25-МТМ тумандаги намунали боғчалардан бири ҳисобланади. Бу ерда болажонларнинг соғлом ва ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайиши учун барча шароитлар муҳайё этилган. Ўғил-қизларни чин дилдан севадиган, ўз касбининг устаси бўлган тарбиячилар меҳнат қилаётган жамоада педагог-ҳодимларнинг касбий кўникмаларини ошириш, ўз устида ишлашга рағбатлантириш, энг яхши иш тажрибаларини туман ва вилоят миқёсида оммалаштириш мақсадида кўплаб тадбирлар амалга оширилади.

Ана шундай тадбирлардан бири «Менинг гуруҳим — менинг фахрим» деб номланди. Унда ҳар бир гуруҳ тарбиячиси ўз билим ва маҳоратини намойиш этди.

— Муассасамизда 73 нафар болажон таълим-тарбия олмақда, — дейди МТМ мудираси Малика Ҳайдарова. —

Уларга меҳр-эътибор билан билим бераётган тарбиячиларни рағбатлантириш, уларнинг ўз ишига масъулият ҳиссини ошириш мақсадида ташкил этган навбатдаги тадбиримизда иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Тарбиячилар тарбияла-

нувчиларини нечоғлик билишлари, уларга бўлган муносабатлари шартларни бажариш жараёнида яна бир қара намоён бўлди. Шохида Султонова, Маҳфуза Абдурахмонова, Зуррият Хайитбоева каби малакали тарбиячиларнинг гуруҳи энг яхши деб топилди. Болаларнинг инглиз тили ҳамда расм машғулотларида ўрганганлари тадбир давомида ота-оналарга намойиш этилди.

Энг яхши деб топилган тарбиячиларнинг иш тажрибалари туман ҳамда вилоятда оммалаштиришга тавсия этилди.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Халқаро ташкилот кўмагида

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси давлат дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида республикамиздаги тиббий-ижтимоий муассасалар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, «Меҳрибонлик», «Мурувват» ва «Саховат» уйлари, махсус мактаб-интернат тарбияланувчиларини қўллаб-қувватлаш учун дори-дармон, тиббий ёрдамчи, санитария-гигиена воситалари, кийим-кечак, озиқ-овқат, ногиронлик аравачалари, спорт инвентарларидан иборат мурувват ёрдамларини кўрсатмоқда.

USAID халқаро ташкилотининг «Тинчлик йўлидаги озиқ-овқат ёрдами» дастури доирасида жамғарма мажлислар залида АҚШнинг «Resource and Policy Exchange» халқаро ташкилоти томонидан келтирилиб, 112,5 тонна витамин билан бойитилган қуритилган сабза-

вот шўрваси тақдирот маросими бўлиб ўтди. 2015 йили ушбу халқаро ташкилот 118та тиббий ва ижтимоий муассасага ўз тўғрисида топширган эди.

— Жамғармамиз «Resource and Policy Exchange» халқаро ташкилоти билан 2009 йилдан бери ҳамкорликда бир қатор лойиҳалар ижросини таъминламоқда. Гаўдаги мурувват юки фонд ва унинг ҳудудий филиаллари, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими тизими ташкилотлари орқали республикамиздаги 139 та тиббий ва ижтимоий муассасага топширилди, — дейди жамғарма мутахассиси Жобир Хикматуллаев. — Шунингдек, Германия, Жанубий Корея, Финляндия халқаро хайрия ташкилотлари томонидан 30 та дори-дармон, санитария-гигиена воситалари, озиқ-овқат ҳамда тиббий жиҳозлар тўплами эҳтиёжманд тарбияланувчиларга тарқатилди.

МУХБИРИМИЗ

Ўзбек кино санъати: кеча ва бугун

Пойтахтимиздаги ёшлар ижод саройида «Қамолот»-да меҳмонда» лойиҳаси доирасида айна шу мавзуда киноижодкорлар билан ёшларнинг онлайн мулоқоти бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон халқ артистлари Гавҳар Зокирова, Мирза Азизов, «Жаҳон адабиёти» журналі бош муҳаррири Шухрат Ризаев, актриса Наргиза Абдуллаева иштирок этди.

Кинематография соҳасини ривожлантириш, уни ёшлар орасида янада оммалаштириш мақсадида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Қино ва ёшлар» республика форуми ташкил этилмоқда.

Мазкур тадбир форумнинг илк онлайн мулоқоти бўлди. Унда миллий кинематографиянинг ўзига хос мактаб ва йўналишларини асраб-авайлаш, янада бойитишга қаратилган эътибор ўз самарасини бераётгани қайд этилди. Миллий кино санъатимизнинг ривожини, айна пайтда соҳада олиб борилаётган ишлар ва истиқболдаги режалар хусусида сўз юритилди.

— Ёшларимиз маънавияти-

ни юксалтириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда кинонинг ўрни жуда муҳим, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокирова. — Бугун экран юзини қўраётган фильмларимизда айна шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу борда ёшларимиз билан ўтказиладиган мана шундай мулоқот ва учрашувлар ўз самарасини беради.

Онлайн мулоқот давомида ҳудудлардан йўлланган саволларга мутахассислар атрофдаги жавоб берди.

Сардор МУСТАФОЕВ,
ЎЗДЖТУ талабаси

География — худудлар фалсафаси

География фани ойлиги доирасида кўплаб тадбирлар ва намунали дарсларнинг ўтказиладигани ўқувчиларнинг фани ўзлаштиришга бўлган қизиқиш ва интилиши ортишига туртки бўлапти. Жумладан, Шайхонтоҳур туманидаги 20-мактаб ўқитувчиси Зайнура Ҳотимова ташкил этган «Марказий Осиёнинг сиёсий харитаси ва аҳолиси» мавзусидаги намунали дарс ҳам ўғил-қизларда катта таассурот қолдирди. Муаллимнинг мавзунини кенг ёритиш мақсадида дарсда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва турли интерфаол методлардан самарали фойдалангани ўқувчиларнинг билим ва кўникмасини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди. Муассасада ойлик доирасида ўтказиладиган тадбирлар, деворий газеталар тайёрлаш жараёни ва экскурсияда қатнашаётган болаларнинг географияга қизиқиши янада ошмоқда.

Намунали дарсда «География — худудлар фалсафаси» тўғраги аъзолари ясаган макетлар барчага манзур бўлди.

Зиёда ТОЛИЕВА,
Шайхонтоҳур тумани ХТМФМТТЭБ методисти



Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

2016-yil 21-sentabr, № 76 (8933)

Мамакатимизда "ICTWEEK Uzbekistan — 2016" axborot-коммуникация технологиялари ҳафталиги бошланди. Ҳафталик доирасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, замонавий axborot-коммуникация технологиялари имкониятларини намойиш этиш ва "электрон ҳукумат" тизимини янада ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилади.

Ҳафталик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аxbорот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси, Компьютерлаштириш ва аxbорот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши, Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкил этилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида давлат ҳокимияти органлари фаолиятида замонавий аxbорот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш учун институционал асослар яратилди, идоралар ўртасида электрон аxbорот алмашинуви йўлга қўйилди, аҳоли давлат ҳокимияти органлари фаолиятига оид аxbоротдан кенг фойдаланмоқда. Мамакатимиз Биринчи Президентининг 2013 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республика-

лаш, соҳадаги ютуқ ва муаммоларни муҳокама қилиш ҳамда аxbорот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича фикр алмашиш мақсадида Ўзбекистон ва хори-

мойиш қилади. Мазкур экзопозиция ягона давлат маълумотлар базасини яратиш ва аҳолига интерфаол хизматлар кўрсатишга доир самарали ечимларни тақдир этиш имконини беради.

нади. Ёшлар ижод саройида эса "Intellect2All" танловнинг мамлакат босқичи бўлиб ўтади. Дастурчи, дизайнер ва менежерлар замонавий бозор учун долзарб бўлган веб-лойиха ва мобиль иловалар устида реал вақт режимида иш олиб боради. Фаргона, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Навоий, Тошкент вилоятлари ва пойтахтимиз жамоалари танловнинг 30 миллион сўмлик мукофот жамғармасига сазовор бўлиш учун ўзаро баҳслашади.

Шунингдек, аxbорот хавфсизлиги бўйича Ўзбекистонда дастлабки "Cyber Security Challenge Uzbekistan" мусобақаси ҳам бўлиб ўтади. Саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган 97 нафар финал иштирокчиси стеганография, криптография, веб-боғлашни ва дастурий таъминот билан боғлиқ мураккаб техник вазифаларни бажаради. Тошкент аxbорот технологиялари университетидида талабаларга нафақат лаборатория машғулотларини ўтказиш, балки илмий ишларни бажариш имконини берадиган Huawei компанияси лабораториясининг очилиш маросими ўтказилади.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ

сининг миллий аxbорот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган 2013—2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий аxbорот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури ушбу соҳани янада такомиллаштиришга хизмат қилаётир.

2004 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "ICTWEEK Uzbekistan" ҳафталиги мутахассислар ва аxbорот технологияларидан фойдаланувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Тадбир доирасида 20 сентябрь кун аxbорот-коммуникация технологиялари саммити ўтказилади. Унда ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва мустақам-

жий мамлакатлар мутахассислари иштирок этади.

21-23 сентябрь кунлари Тошкент ва Наманган шаҳарларида анъанавий "ICTExpo — 2016" аxbорот-коммуникация технологиялари миллий кўргазмаси бўлиб ўтади. Унда аxbорот хизматлари бозорига тақдим этилаётган энг замонавий тизим ва технологиялар намойиш этилади. Мамакатимиз компаниялари юқори технологияли махсулотлар, хусусан, дастурий таъминот, компьютер техникаси, мобиль алоқа ва маълумотлар узатиш хизматларини тақдим этади. Шунингдек, иштирокчилар "электрон ҳукумат" бўйича амалга оширилган лойиха ва технологияларнинг энг яхши намуналарини ҳам на-

Ҳафталикнинг муҳим воқеаларидан бири бўлган "ICT Forum — 2016"да аxbорот технологиялари ва коммуникациялар соҳасини янада ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари муҳокама этилади. Жорий йилда мазкур форумда аxbорот-коммуникация технологиялари соҳасидаги етакчи компаниялар вакиллари, экспертлар ва хорижий мутахассислар — жами 800 дан зиёд киши иштирок этади. Унда мавзуга оид саккиз йўналишда юздан ортиқ маъруза тақдим этилади.

Аxbорот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида талаба ва ўқувчилар ўртасида ўтказилган "BestSoft Challenge — 2016" дастурчилар танлови голиблари ҳам тақдирла-



Акт haftaligi

«Акт саммити — 2016»:

замонавий технологиялар самарадорлиги йўлида

Пойтахтимизда "АКТ саммити — 2016" бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда мазкур соҳани ривожлантиришнинг бугунги ҳолати ва соҳа олдидида турган стратегик вазифалар муҳокама қилинди.

Саммитда давлат бошқаруви органлари мутасадди ходимлари, халқаро экспертлар ва таҳлилчилар, мамлакатимиз ва хорижий аxbорот-технологиялари компанияларининг вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари А.Файзуллаев ва бошқалар аxbорот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш ҳамда улардан фойдаланишни кенгайтириш юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади. Истиклол йилларида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган дастурий ҳужжатлар мазкур соҳани такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

— Аxbорот-коммуникация технологияларини Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида жорий қилиш, аввало, фуқароларга қулайлик яратиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, давлат органлари фаолиятининг очиқ ва ошқоралигини таъминлашга йўналтирилган, — дейди БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Стефан Приснер. — Ўзбекистоннинг халқаро рейтингларда эггаллаб турган ўрни юксалиб бораётгани ҳам бу борадаги ишлар самарадорлигини ифода қилади. Масалан, БМТнинг "электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш даражаси бўйича шарҳида Ўзбекистон 20 поғонага кўтарилиб, 193 давлат орасида 80-ўринни эгаллади. Иккинчи асосий кўрсаткич — электрон иштирок позицияси бўйича мамлакатингиз 24 поғонага кўтарилиб 47-ўринни эгаллади.

Тадбирда ҳозирги кунда Ўзбекистон дунёда "электрон ҳукумат" тизимини изчил ривожлантираётган ўн мамлакат қаторига қўшилгани таъкидланди. Самарали аxbорот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини, хусусан, аxbорот тизимлари ва маълумотлар базалари мажмуаларини яратиш соҳани янада такомиллаштиришда муҳим ўрин тутмоқда. Айни пайтда қатор ана шундай мажмуалар фойдаланишга топширилди. Магистрал, ҳудудий ва станцияларга алоқа турлари оптик-толали линиялар орқали таъминланмоқда. Маълумотлар узатиш магистрал тармоғининг модернизация қилиниши аxbоротнинг халқаро йўналиш бўйича ўтиш тезлигини 10, вилоят марказларига 4 ва туман марказларига 10 баробар ошириш имконини берди.

Саммитда аxbорот хавфсизлигини таъминлаш масалалари кўриб чиқилиб, аxbорот-коммуникация технологиялари соҳасида бизнес юритиш истикболлари, рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича жаҳонда кузатилаётган тенденциялар муҳокама этилди.

— Саммитда учинчи маротаба иштирок этаётган, — дейди Хитой Халқ Республикасининг "Huawei Technologies Co.Ltd" компанияси бизнес консалтинги ва тармоқларни ривожлантириш президенти Пол Сканлан. — Ушбу тадбир Ўзбекистонда аxbорот-коммуникация технологияларининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истикболлари, соҳани янада ривожлантиришнинг долзарб вазифалари ва тенденциялари билан батафсил танишиш имконини беради.

Саммитда аxbорот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг долзарб масалалари, янги алоқалар ўрнатиш ва ишбилармонлик муносабатларини йўлга қўйиш бўйича фикр алмашилди.

М. ҚАРШИБОВ,
ЎЗА мухбири

"ICTWEEK — 2016" аxbорот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида Тошкент аxbорот технологиялари университетидида Марказий Осиёдаги дастлабки Аxbорот технологиялари ва тармоқлари автоматлаштирилган академияси очилди.

АКТ мутахассисларини тайёрлаш аxbорот-коммуникация саноатини барқарор ривожлантиришнинг муҳим омилларидан. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий аxbорот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ мамлакат-

Акт мутахассислари учун янги таълим лойихаси

мизда таълим муассасаларини зарур компьютер техникаси ва ускуналари билан таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда, янги лабораториялар, аxbорот-ўқув ресурслари яратилмоқда.

Марказий Осиёдаги дастлабки Аxbорот технологиялари ва тармоқлари автоматлаштирилган академияси Huawei компанияси билан ҳамкорликда Тошкент аxbорот технологиялари университетидида жорий этилган янги «HAINA» илмий-таълим лойихаси доирасида ташкил этилди. «HAINA» лойихаси доирасида иқтидорли талабалар салоҳиятини юзага чиқариш ва АКТ саноатини оммалаштириш мақсадида қўлаб олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик кўзда тутилган.

Тошкент аxbорот технологиялари университетидида махсус smart-лаборатория жиҳозланган. Бу ердаги ўзига хос дастурий таъминот, замонавий ўқув технологиялари ёшларга назарий билим олиш ва амалий кўникмаларга эга бўлиш имконини беради. Бу борада янги аxbорот-коммуникация технологиялари бўйича қатор таълим курслари ва онлайн-тренинглар ташкил этилди.

Шунингдек, лойихада ўқитувчилар учун ўқишнинг дастурий таъминотини лойиҳалаштиришга доир машғулотлар, тренинг-марказлар ташкил қилиш бўйича маслаҳатлар ўтказиш кўзда тутилган.

Р. БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

Muallim — millatning yuzi, Vatan istiqbolining asl bunyodkoridir

(Ta'lim muassasalarida 1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kunini nishonlash yuzasidan tavsiya)

Xalqimiz azaldan ustozlarni, umuman, ko'pni ko'rgan, aql-zakovat va mehnati bilan el orasida tanilgan, qaysi sohada bo'lmasin, o'z bilimi va tajribasini boshqalarga, xususan, yoshlarga o'rgatgan kishilarni alohida e'zozlagan. Bu ezgu an'ana istiqbol yillarida yurtimizda yangicha ma'nomazum kasb etdi. Jamiyatda pedagoglarning mavqeyini yanada yuksaltirish, yosh avlodga chuqur bilim berishi uchun barcha zarur shart-sharoitlarni yaratish borasida izchil sa'y-harakatlar amalga oshirildi. Jumladan, O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimov tashabbusi bilan mamlakatimizda 1997-yildan buyon 1-oktabrning O'qituvchi va murabbiylar kuni — umumxalq bayrami sifatida keng nishonlanayotgani muallim zotiga ko'rsatilgan hurmat-ehtiroمنىng yuksak namunasidir.

O'tgan 25 yil yurtimiz ta'limi taraqqiyotida beqiyos yuksalishlar davri bo'ldi. Mustabid tuzumdan qolgan biryozlama o'qitish uslubidan butunlay voz kechilib, ta'lim sohasi tubdan isloh etildi. Yoshlarning chuqur ta'lim-tarbiya olishi va kasbiy-malakaviy tayyorgarligini talab darajasida ta'minlashga xizmat qilayotgan 9+3 shaklidagi 12 yillik umumiy majburiy bepul ta'lim, bakalavriat va magistratura yo'nalishlaridan iborat oliy ta'lim muassasalarining yuqori malakali kadrlarni tayyorlash tizimi yo'lga qo'yildi. Bu vazifalarni amalga oshirishda pedagoglarning xizmati g'oyat mas'uliyatli va sharaflidir.

Ta'lim muassasalarida 1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuniga bag'ishlangan tadbirlarga tayyorgarlik ko'rish va bayramni yuqori saviyada tashkil etish bo'yicha quyidagilar tavsiya etiladi:

— bayram tadbirlarini Xalq ta'limi vazirligining 2016-yil 8-sentabrdagi "1-oktabr — "O'qituvchi va murabbiylar kuni" umumxalq bayramiga tayyorgarlik ko'rish va uni o'tkazish to'g'risida"gi 221-sonli buyrug'i asosida tashkil qilish;

— bayram tadbirlari senariylari

mazmuniga davlatimiz mustaqilligining 25 yili davomida amalga oshirilgan keng ko'lamlı bunyodkorlik ishlari, ayniqsa, ta'lim sohasida olib borilayotgan islohotlar, "Sog'lom ona va bola yili" davlat dasturi doirasida amalga oshirilayotgan ishlar hamda O'zbekiston Respublikasi Birinchi

Prezidentning "Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch" asarida keltirilgan ta'lim-tarbiya sohasiga bog'liq konseptual g'oyalarni singdirish;

— barcha ta'lim muassasalarida obodonlashtirish ishlarini olib borish, bayramni munosib nishonlash bo'yicha "Bayramingiz muborak, aziz ustozlar!" mavzusida turkum tadbirlar (davra suhbatlari, anjumanlar, ko'rgazmalar va hokazo) rejasini ishlab chiqish va amalga oshirish; bayramni ko'tarinki ruhda tantanali nishonlash, fan, madaniyat arboblari bilan davra suhbatlari va uchrashuvlar tashkil etish, bayramga bag'ishlangan mavzularda insholar tanlovi va sport musobaqalarini o'tkazish hamda g'oliblarni bayram tantanasida taqdirlash;

— ta'lim muassasalarini o'qituvchi va murabbiylarni ulug'lovchi, maktabning qutlug' dargoh ekanini targ'ib qiluvchi, o'quvchilarni bilim va hunar sirlarini puxta egallashga da'vat etuvchi chaqiriq, shior va tasviriy vosita (panno, banner)lar bilan bezatish;

— O'qituvchi va murabbiylar kuni bayrami tantanalariga davlat mukofoti sohiblari, faxriy ustozlar, faol o'qituvchi va murabbiylar, tizimda o'tkazilayotgan turli ko'rik-tanlovlar g'oliblari, yozuvchi-shoirlar, mahalla faollari va boshqa hamkor tashkilotlarning vakillarini jalb qilish;

— ta'lim muassasalarida uzoq yillar mehnat qilgan xalq ta'limi faxriylarining holidan xabar olish, ularni tabriklash va bayram sovg'alarini topshirish tadbirlarini o'quvchilar ishtirokida tantanali ravishda tashkil etish.

(O'qituvchi va murabbiylar kuniga bag'ishlangan bayram tadbirlari dars, tarbiyaviy soat, seminar-kengash, adabiy-badiiy, ilmiy kechalar, uchrashuv va davra suhbatlari shaklida o'tkazilishi mumkin).

Tadbirni o'tkazishda O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimovning ilm-u ma'rifatni ulug'lovchi quyidagi iboralaridan foydalanish maqsadga muvofiq:

- Jaholat — ma'rifatning kushandasi.
- Inson qalbiga yo'l avvalo ta'lim-tarbiyadan boshlanadi.
- Davr bizning oldimizga qo'yayotgan talablarni bilish, ularni chuqur anglash uchun albatta zamonaviy bilim zarur.
- Maktab — taraqqiyotning boshlang'ichi, madaniyat va saodatning kalitidir.
- Ta'limni tarbiyadan, tarbiyani ta'limdan ajratib bo'lmaydi.
- Ilm-u ma'rifat ziyosi hech qachon so'nmaydi.
- Agarki dunyo imoratlari ichida eng ulug'i maktab bo'lsa, kasblarning ichida eng sharaflisi o'qituvchilik va murabbiylikdir.
- Ustozlar — aziz yurtning eng aziz, eng ulug' va mo'tabar kishilardir.



"Bayramingiz muborak, aziz ustozlar!" nomli tadbirning namunaviy senariysi

Maktab faollar zali va sahnasi o'qituvchi-murabbiylar haqidagi so'zlar, shiorlar va gullar bilan bezatilgan.

Bir o'quvchi Po'lat Mo'min she'ri, xalq kuyi asosida yaratilgan "Ustozlar" qo'shig'ini musiqa jo'rligida ijro etadi. Bayram tadbiriga taklif etilgan mehmonlar va ustozlar hurmat bilan kutib olinib, zalda hozirlangan joylarga o'tqaziladi. Maktab rahbari barchani bayram bilan qutlab, kechani ochiq deb e'lon qiladi.

Sahnaga bayram tadbirini olib boruvchi boshlovchi qiz va yigit bayramona liboslarda chiqadi. Ustozlarni madh etuvchi she'rlar o'qiladi.

Qiz: — Assalomu alaykum, aziz va mo'tabar ustoz-murabbiylar!

Yigit: — Assalomu alaykum, qadrlı mehmonlar va maktabdoshlar! Muhtaram o'qituvchi va murabbiylarimiz bayramiga bag'ishlangan "Bayramingiz muborak, aziz ustozlar!" deb nomlangan tadbirimizga xush kelibsiz!

Qiz: — O'z iqtidori bilan ona yurtini ulug'lashga qodir, iste'dodli va sadoqatli, har tomonlama sog'lom va barkamol avlodni voyaga yetkazishda o'z zimmasiga ulkan mas'uliyatni olgan mehrixdaryo muallimlar va murabbiylar! Barchangizni ulg'

ayyam bilan muborakbod etamiz.

(Havaskor o'quvchilar "Dilxiroj" xalq kuyini ijro etadilar. Milliy libos kiygan o'g'il-qizlar raqsga tushadilar).

Yigit: — Ustoz deganda, har bir inson ko'nglida chuqur hurmat-ehtirom va cheksiz minnatdorlik hissi paydo bo'ladi.

Qiz: — Bu yorug' olamda onadek mehribon, otadek g'amxo'r, har birimiz uchun aziz va mo'tabar bo'lgan ulug' zot — o'qituvchi va murabbiylardir.

Yigit: — Sohobqiron Amir Temur uch holatda otdan tushar ekan: ustozini uchratganida, yerda yotgan nonni ko'rganida va qabriston yonidan o'tayotganida.

Qiz: — Muallimlarga hurmati juda yuqori bo'lgani bois buyuk bobomiz o'zini ustoz Mir Said Baraka qabri poyiga dafn etishlarini vasiyat qilgan. Bu ulug' zotning qalbidagi bunday ezgu va insoniy xislatlarni otanasi va ustozlari tarbiyalagani barchamizga tarixiy manbalardan ma'lum.

Yigit: — Ha, o'qituvchilik azaldan e'tiborli kasb hisoblanadi. Ayniqsa, O'zbekistonda o'qituvchi va murabbiylarga e'tibor nihoyatda yuqori. Mamlakatimizda 1997-yildan buyon 1-oktabrning O'qituvchi va

murabbiylar kuni umumxalq bayrami sifatida nishonlanayotgani buning yorqin dalilidir. Xalqimiz ham o'qituvchi va murabbiylarni qadrlab, haqli ravishda "Ustoz otangdek ulug'", deya ehtirom ko'rsatadi. Biz shogirdlar ham ushbu hikmatga chin dildan amal qilamiz.

"Ota kabi, ona kabi kim aziz,

— Deb so'rsangiz", deyman dono muallim.

Arzir sochsak boshlaridan tillo, zar, O'zi jahon, o'zi dunyo muallim.

(Normurod Narzullayev)
Qiz: — Bugun yoshlarning har tomonlama kamol topishi uchun mamlakatimizda keng imkoniyatlar yaratilgan.

Yigit: — O'zbekiston ta'lim sohasini isloh qilish bo'yicha dunyoning rivojlangan mamlakatlari qatorida turadi.

Qiz: — Mamlakatimizda bugungi kunda 2 milliondan ortiq bolalar, jumladan, 840 mingdan ortiq qizlar sport bilan mustazam shug'ullanmoqda. Jori yilning 5—21 avgust kunlari Braziliyaning Rio-de-Janeyro shahrida bo'lib o'tgan XXXI yozgi Olimpiya o'yinlarida Vatanimiz sharafini munosib himoya qilgan sportchilarimiz 4 ta oltin, 2 ta kumush va 7 ta

bronza medalni ko'lgaga kiritdi.

Yigit: — Qadrlı ustozlar! Hayot kitobini ochuvchi sizsiz. Yaxshi-yomon kunlarimizning kuzatuvchisi ham siz. Sizni ko'rib shodanamiz, yuragimiz bilan sizga talpinamiz! Mabodo hayotda qoqilsak, xato qilsak, ularni tuzatguvchi, unutguvchi ham sizsiz, aziz muallimlar!

(O'quvchilar Sh.Sattor she'ri, Shermat Yormatov musiqasi asosida yaratilgan "Muallim" qo'shig'ini ijro etadi).

Qiz: — Darhaqiqat, ustoz buyuklar ichra buyuk zot. Zotan Abu Nasr Forobiy, Abu Ali ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy kabi allomalar ham ilm olamiga ilk qadamni oddiy o'qituvchi, ustoz ko'magida qo'yg'an. O'qituvchi mash'ala misoli umrini o'zgalari yo'lini yoritishga baxshida etadi. Muallim — matonat timsoli. U mehr-muhabbat, ezgulik ramzi. Zero, bolaning murg'ak qalbiga ezgulik urug'ini qadagan, ilgama tashnalik, otana, Vatanga mehr hissini uyg'otadigan xokisor inson — o'qituvchidir.

Yigit: — Mustaqilligimizning yigirma besh yilligi munosabati bilan yosh avlodni vatanparvarlik, ona yurtga muhabbat, istiqbol g'oyalari sadoqat ruhida sog'lom va barkamol etib tarbiyalashga qo'shgan hissasi uchun ko'plab ta'lim

fidoyilari davlatimizning yuksak unvon, orden va medallari bilan taqdirlandi.

Qiz: — Aziz ustozlar, sha'ngizni madh etmagan shoir topilmasa kerak. Sizni yulduzlarga qiyos etgim keladi. Negaki, yulduz qorong'i tunni yoritisa, siz chuqur bilimingiz bilan shogirdlar dilini munavvar etasiz.

Yigit: Ta'lim bergan ustozni yashagan uy oldidan

Shogird poshsho bo'lsa ham tushib o'tar otidan.

Bunday ibrat topilmas tarixlar bisotidan,

Ey siz ustoz muallim, zakiy va donishmand zot,

Sizdan dars olib o'sar ozod va erkin avlod.

(Sa'dulla Hakim)

Qiz: — Aziz ustoz va murabbiylar! Barchangizga 1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni muborak bo'lsin! Yosh avlodni Vatanga muhabbat, xalqimizga sadoqat ruhida tarbiyalashdagi mashaqqatli va sharaflı kasbingizda omad hamda zafarlar uch bo'lsin!

(Ustozlar uchun o'quvchilar tomonidan tayyorlangan hamda hududdagi bolalar musiqa va san'at maktablari ansambllari ishtirokida konsert dasturi namoyishi etiladi).

Respublika ta'lim markazi

2016-yil 21-sentabr, № 76 (8933)

Инсон ҳар қанча кучли, билимли ва истеъдодли бўлмасин, ёлғиз ўзи бирор муваффақиятга эришиши мушкул. У ҳаммага бошқаларнинг хайрихоҳлиги ва маънавий кўмагига эҳтиёж сезади. Ҳамжиҳатлик, аҳиллик бор ерда ҳар қандай иш хамирдан қил суғургандек осон кечади. Буни чуқур англаб етган Бухоро шаҳридаги 13-мактаб жамоаси ўз фаолиятини "Куч — бирликда" шioriга амал қилган ҳолда олиб бораётганига гувоҳ бўлди.

— Ёш авлоднинг таълим-тарбиясига ўқитувчи билан бирга, ота-она, қариндош-уруф, маҳалла-қўй ҳам бирдек масъул, — дейди мактаб директори Зиёда Ҳожиева. — Айримлар шу масъулиятни англаб етмагани учун баъзи муаллимлар асосан ўзига боғлиқ бўлмаган муаммоларга дуч келади. Шундай паллада ҳамжиҳатликдаги фаолият орқали барча масалаларни ҳал этса бўлади. Бу таълимда иш-

публика босқичида биринчи, Парвина Усмонова эса "Солиқ билимлари — болаларга" танловининг вилоят босқичида иккинчи ўринни эгаллади. Мактабнинг ёш умидли спортчиларидан Акрам Азимов юнон-рум кураши бўйича республика, Шаҳрибону Элиева дзюдодан вилоят чемпиони бўлди. Қўл тўпи, оғир ва енгил атлетика бўйича "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг шаҳар ва вилоят босқичлари-

Орзигул Беганчова "Маҳорат мактаби"нинг раҳбари ва тажрибали етакчи ўқитувчиси сифатида ҳамкасбларининг педагогик салоҳияти ва фаоллигини оширишга муносиб ҳисса қўшапти. 2012 йили "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг республика босқичи голиби бўлган муаллима ўтган ўқув йилида "Энг намунали дарс ишланмаси" танловида 3-ўринни эгаллади.

— Ўқувчилар назарида грамматикани ўзлаштириш биринчи зерикари ва мураккаб туюлади — дейди Орзигул Беганчова. — Бирок буғун таълимга татбиқ этилаётган янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ҳар қандай дарсни қизиқарли ва самара-

рият асосий ранглардан янги рангларни ҳосил қилишга қийналади, — дейди Мархаба Эргашева. — Шу bois дарс жараёнида доим таъсирларни слайдлар орқали намойиш этиб, қайси ранглар асосида қандай таъсирларни ҳосил қилиш мумкинлигини батафсил тушунираман. Кўпинча ўқувчиларни табиат қўйнига сабаҳатга олиб чиқаман. Баҳор фаслида мактабимиз боғи гулга бурканади. Ўқувчилар бу манзарани ҳар куни кўради. Бирок саёҳат давомида бола-бу одадий кўринишнинг эътибордан четда қолган жиҳатларини кашф этади. Қий-ғос гуллаган дарахтларни томоша қилиб, гулларнинг, барг ва новдаларнинг тўзлиши, қандай шакл ва рангга эга экан-

Мактаб муҳити

си самарали кечмоқда. Масалан, 5-синф дарслигидаги "Ҳовилар ва уйлар" мавзусини ўқишда қўшимча топширик сифатида ўқувчиларга ўз орзусидаги ҳовли ёки уйнинг макетини тайёрлаб келишни вазифа қилиб топширдим. Ижодий тафаккурни ривожлантирувчи бундай топшириқни бажариш асосида болалар мустакил изланади, меҳнат қилади ва ўзига хос ижод намунасини яратишга интилади. Янги дарсда ҳар бир ўқувчи ўзи "қурган" ҳовли ёки уйнинг тақдимотини чет тилида ўтказиши лозим. Бу жараёнда ўғил-қизлар ҳовли ва уй билан боғлиқ кўплаб янги сўзларни ўрганади. Шу тариқа лугат бойлиги ошиб, нутқи ривожланади.

Мактабда бўш ўзлаштирувчи ва иқтидорли ўқувчилар билан ишлашга йўналтирилган махсус тўғараклар ташкил этилган. Ҳафтада бир марта ўтказиладиган машғулотларда ҳам ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстиришга алоҳида аҳамият қаратилаётди.

Мактабларда чет тилини ўқитишга алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда она тилимизнинг имкониятларини кенгайтириш, унинг софлигини сақлаб қолиш ҳам муҳим саналади. Мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Зулфия Нуриллаева бу масалага доим жиддий қарайди. Жонқуяр, фидойи, узоқ йиллик тажрибага эга муаллима барча фан ўқитувчилари олдида тилимизнинг софлигини сақлаш ва мактабдаги мулоқот жараёнида ўқувчилардан тил меъёрларига амал қилган ҳолда чиroyли гапиришни талаб этиш масаласини кўйди.

— Тил — ижтимоий ҳодиса. Инсон ундан ҳар қандай манфаат йўлида фойдаланиши мумкин. Шу bois тил қадрияти ёшларимизда фақат ижобий жиҳатлари билан намоён бўлса, ўзимизни олдимизга қўйилган макссадга қисман эришган ҳисоблаймиз, — дейди Зулфия Нуриллаева. — Аждодларимиз гоят гўзал луфт эгалари бўлган. Масалан, "Марҳамат", "Ижозатингиз билан", "Ташаккур", "Бағоят хурсандман", "Ажойиб-сиз-да", "Хўп бўлади", "Узингиздан бўлсин" каби гўзал илтифотлар нутққа руҳий қувват беради, кўтаринкилик бахш этади. Инсон қалбида эзгуликни пайдо қилади. Ўқувчиларга ана шундай бирликларни нутқда кўпроқ қўллашни ўргатиш лозим.

Ҳа, 13-мактаб жамоаси мана шундай руҳда болаларга таълим-тарбия бераётди. Муассасадаги ҳар бир ўқувчи ва ҳар бир ўқитувчининг шахсий портфолиоси ташкил этилган. Мазкур портфолиолар ота-оналар, маҳалла фаоллари, мактаб ўқитувчиларидан тўзилган ҳакамлар ҳайъати томонидан чорак охирида баҳолаб, голиблар аниқланади ва фахрий ёрлик ҳамда дипломлар билан тақдирланади. Буларнинг барчаси ўқув-тарбия жараёни мазмуни ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ирода ОРИПОВА,
"Ma'rifat" муҳбири

Ҳамжиҳатликдаги изланишлар

таълим муассасасидаги ўқув-тарбия қарорлигини оширмоқда

лаб чикилган қатор тавсияларда ҳам кўрсатиб ўтилган. Ана шу жиҳатларни эътиборга олиб, "Соғлом муҳит — соғлом жамоа" тавсиясига асосан мактабда Васийлик кенгашини тўздиқ. Маҳалла фаоллари, ота-оналар ва ўқитувчилар билан маслаҳатлашиб, кенгашнинг низомиини ишлаб чиқдик. Низомда ўқувчи таълим-тарбиясида ота-она, ўқитувчи ва маҳалланинги ўрни ҳамда вазифалари аниқ-равшан белгиланган бўлиб, унинг мазмун-моҳиятини тушунириш макссадида махсус тренинглари ташкил эгдик. Турли таълимий дидактик руҳдаги видеолаваҳ ва слайдлар, қизиқарли лойиҳа ва баҳс-мунозаралар асосида ўтказиладиган машғулотларимиз иштирокчиларнинг зиммаларидаги масъулиятни тўлақонли англаб етишларига хизмат қилди. Мактабнинг иш режасини шакллантиришда ҳам ота-оналар, ўқувчилар ва ўқитувчилар ўртасида ўтказилган сўровномаларга таяндик.

Оилалар ва маҳалла билан ўрнатилган яқин ҳамкорлик таълим муассасасининг ўқув йили давомидаги фаолиятида жуда асослидир. Ўқувчиларнинг таълим-тарбияси ҳар томонлама тўлиқ назоратга олингани боис мактабда ИИБ рўйхати-га олинган, тарбияси оғир болалар йўқ. Бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар сонини эса кескин камайди. Тугалланган ўқув йилида ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи 78,4 фоизни ташкил этди. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш ва уларни аниқлаш макссадида ўтказилган билимлар беллашуви ҳамда фан олимпиадасида ўқувчиларнинг 37 нафари шаҳар, 2 нафари вилоят босқичида иштирок этиб, юқори кўрсаткичларга эга бўлди.

Маънавий-маърифий руҳдаги танловлар ва спорт мусобақаларида ҳам таълим масканни ўқувчилари қатор уюқларга эришяпти. Жумладан, Хушвақт Жўраев "Ер қуррасида тинчлик" мавзусидаги расмлар кўргазмасининг рес-

лаб ҳам мактаб ўқувчилари пешқадамликни кўлдан беришмаяпти.

Шу ўринда педагоглари-нинг ҳам муваффақиятларини эъти-роф этиш жоиз. Мактабдаги тажрибали ва маҳоратли муаллимларнинг етти нафари "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловида иштирок этиб, уч нафари шаҳар, бир нафари вилоят босқичида фахрли ўринларга лойиқ топилди. Беш нафар ўқитувчи "Энг намунали дарс ишланма" кўрик-танловида юқори балл тўплади ҳамда улардан бир нафари республика босқичида 3-ўринни эгаллади.

Мактаб жамоаси ўқув йилининг аввалидаги ишнинг замона талабларига мос, дарсларни самарали ташкил этишдан бошлади. Муассасадаги "Илғор тажриба мактаби" ва "Устоз-шогирд мактаби"нинг маҳоратли тренерлари барча фанлар бўйича ўзлаштирилиши мураккаб мавзуларни аниқлаб, шу мавзуларга оид дарсларни замонавий педагогик метод ва технологиялар асосида ташкил этиш юзасидан тренинг машғулотлари ўтказди. Бунинг самараси ўлароқ, мактаб педагогика кенгаши қарори билан бир неча фанлар бўйича илгор иш тажрибалари рисола, стенд ва буклет шаклида амаллаштирилди. Ўзбек тили фани ўқитувчиси Гулрух Норқулова-нинг "Адабиётшунослик методикаси" (Бухоро давлат уни-верситети ўқитувчиси, фан номзоди Наззора Бекова билан ҳамкорликда) номли ўқув қўлланмаси нашр этилди.

Айни пайтда мазкур мактаб ўзбек тили фани йўналишида "Маҳорат мактаби" ҳам саналади. Бу олий таълим муассасалари ҳамда ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти профессор-ўқитувчилари билан таълим сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича самарали ҳамкорликни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ли ташкил этиш мумкин. Масалан, мен ўқувчилар орасида ижобий рақобат муҳитини шакллантириш макссадида дастлаб уларни уч гуруҳга бўлиб, ҳар бири учун мавзуга мос тарзда ном танлайман. Оддийгина шу жараёни ҳам шунчаки ўтказмай, ўқувчида қизиқиш, иштиёқ ва завқ уйғотишга эътибор қаратаман. Чунки кўтаринки қайфият ўқувчиларнинг ўзлаштиришига катта таъсир кўрсатади. Ўқувчиларни рағбатлантиришда ҳам ноанъанавийлик муҳим аҳамият касб этади. Шу bois ҳар бир дарсда мавзуга мос, чиroyли таъсирлар туширилган нishонлар, карточкалар ва ёрликларни рағбат сифатида тақдим этаман. Болаларнинг иштиёқини янада ошириш макссадида яна бир усулни қўлладим. Дарс якунида ҳар бир ўқувчи ўзи йиққан рағбат карточкаларининг ҳар иккитасини "Тилаклар дарахти"даги битта мева билан алмаштиради. Қўлда ясабди, доска ёнига ўрнатилган бу дарахтнинг шохларига орқа тарафига туртки тилаклар ёзилган мева шаклидаги қоғозлар иланиди. Масалан, "Энг юксак марралар сизники!", "Ҳаммадан ўзиб кетин!", "Калбингиздан энг эзгу тилаклар жой олсин!", "Синфинг энг билимдонини бўлинг!" каби сўзлар ўқувчи руҳиятини кўтарди, вужуди-га гайрат, шижоат бахш этиб, уни янада фаолликка ундайди.

Таъсирли санъат фани ўқитувчиси Мархаба Эргашева ёш бўлишига қарамай, изланувчанлиги ва ташаббускорлиги билан жамоада ўз ўрнига эга педагоглардан. Ўтган ўқув йилида у "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичида 3-ўринни эгаллади. Ёш муаллимнинг таъсирли санъат дарслиридаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган лойиҳаси юқори баҳо-ланди.

— Машғулотлар давомида шунини кузатдимки, расм чизиш пайтида ўқувчиларнинг акса-

нини синчиқлаб кузатади. Таъсирли санъатни мактабда ўқитиладиган деярли барча фанлар билан боғлаб ўтиш мумкин. Айниқса, адабиёт, география, биология, тарих, математика, меҳнат дарсларида бу боғлиқлик алоҳида аҳамият касб этади. Шу bois ўқув йили давомида мактабда ўтказиладиган фан олимпиадари давомида фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда туртки хил тадбирлар, танловлар ташкил этаман.

Ёш педагог тарихий мейморчилик намуналарини расминини чизишни ўргатиш жараёнида тарихий иншоот таъсирли туширилган слайд ва макетлардан фойдаланади. Шу аснода обидаларнинг яратилиш тарихи, қайси услубда қурилгани ҳақида ҳам айтиб ўтади. Бу билан ўқувчиларда мейморчилик, қурувчилик, наққошлик каби касбларга қизиқиш пайдо қилинади. Шундай амалий машғулотлар ёрдамида муаллим ўқувчиларнинг кузатувчанлиги, аниқ чамалаш, фазовий тасаввур, бадийий-ижодий қобилиятининг ривожланишига туртки беради.

Мактабда чет тили фанини ўқитишда ҳам ўзига хос тажриба тўпланган. Мазлумки, хорижий тилда мулоқот қилиш, сўз ва ҳарфларни тўғри талаффуз этиш учун мулоқот муҳитини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Шу bois фан ўқитувчилари дарс жараёнида ва дарсдан ташқари машғулотларда "Гапир-гапиртир" инновацияси асосида иш олиб боради. Мазкур инновация синфда, мактабда чет тилида мулоқот муҳитини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

— Тил ўрганишида ўқувчилар кўпинча оғзаки нутқда оксайди, — дейди инглиз тили ўқитувчиси Гулчехра Ҳамидова. — Бу бўшлиқни тўлдиривчи учун дарс ва тўғарак машғулотларида ўқувчинини гапиришга ундайдиган методлар, интерактив ўйинлардан фойдаланиш, болаларга қўшимча топшириқлар бериш тажриба-

Агар мендан, Хоразм аҳли, аввало, қандай хислатлари билан ажралиб туради, деб сўраса, мен ўнда қилиб, "Ғурури билан" деб жавоб берган бўлур эдим...

Эҳтимол, вилоят аҳлининг асл табиатидан беҳабар бўлган одам, ахир, бу ер Швейцария ёки Греция бўлмаса, бир қарашда эътиборни тортмайдисан бу жойларни булар нега бунчалик жон-дилдан севади, нега бунча улуклайди, деб ҳайрон қолиши мумкин.

Аслида, одамзоднинг она бағрида дунёга келиши қандай мўъжиза бўлса, унинг қалбидagi Ватанга муҳаббат туйғуси ҳам ана шундай илоҳий мўъжизадир. Ва қимда-қим шу мўъжизани ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлса, Хоразмга келиб, бу замин одамларининг ҳаётига, меҳнатига назар солсин.

Ислом КАРИМОВ

Мустаҳкам устунлар

Пойтахтда бирга ўқиб, хоразмлик курсдошиникига келаятган водийлик меҳмон чўл ҳавосидан кўзлари тиниб: — Шу адоқсиз кўмлар ортида ҳам одам зоти яшайдими? — деб юборибди. Уша вақтлар Хоразм воҳасига Туюмўйин сув омбори ёнидаги осма кўприк орқали, янаям аниқроғи, қўшни Туркменистон Республикаси ҳудудидан кириб борилар эди. Мустақилликдан сўнг Амударёга бир эмас, иккита: Ҳазорасп туманида поезд ва автоуловларга хизмат қилувчи ҳамда Урганч — Бериуий ўртасида Чолиш кўприклари қурилди. Йўловчиларнинг узоғи яқин бўлди. Тўхтаб қолган темирйўл қатнови қайта изга тушди.

Бир гал акамнинг кўзини даволатиш учун пойтахти азимга йўлга чиққандик. Қайта таъмирланиб, қаддини янада баландроқ ростлаган, бўёқлари кўзни қамаштирувчи Урганч темирйўл вокзалига етиб борганимизда, гарчи бу жойлар аввалдан таниш бўлса-да, худди ўзга бир янги шаҳар вокзалига кириб бораётгандек хис қилдик ўзимизни. Вокзалдаги саришталлик ва тартиб-интизомдан ўзимизни хотирлам сездик. Чиптамизга қараб, акамга дедим:

— Поезднинг жўнаш вақти соат 17:04 деб ёзибди. Тўрт дақикани ёзмаса ҳам бўларди. Биратўла секундини ҳам ёзақолишмабди? — пичинг қилдим ҳузурланиб.

Вагонга чиқиб, ўрнашиб олганимиздан кейин соатимга бир-бир нигоҳ ташлаб кўйдим. 17:04. Поезд бир силкиниб жойидан кўзгалди. Қойил-э, деб юбордим. Акам кулиб кўйди.

— Эсингдами, талабалик пайтингда сени шу ердан хавотир билан кузатиб кўярдим. Поезд соатлаб кечикарди. Ўғил-кизини кузатгани чиққан ота-оналарни айтмайсанми, ҳаловати бўлмасди. Манзилга эсон-омон етиб борганини билгангина юраги ёзиларди. Вокзал ўшанда салкам қаллоблар масканига айланиб кетганди-да, ўзим...

Вагоннинг озодлигига қара! Уйда ўтиравериб шаҳарнинг бу даражада ўзгариб кетганини билмабман. Онда-сонда бўлсаям, у ёқ-бу ёққа чиқиб туриш керак экан.

Кайфиятимиз кўтарилгандан кўтарилиб борарди. Замонавий русумда жиҳозланган вагоннинг ҳар бир нуқта-си уйимиздек кўзга яқин, дилга қадрдон эди. Кексаю ёш бир-бирининг кўнглига қараб, сизлаб-сийлашарди. Поезд кўна Жайхун устига қурилган кўприкдан ўтаётганида эса юрагимиз ҳалқириб кетди. Фахр, ифтихор хисси чулбаб олгандек бўлди. Ватанимиз куч-қудратига тасанно айтдик.

— Машиналар кўприкдан пул тўлаб ўтадими? — ўзига гапиргандек гудранди кекса йўловчилардан бири кўзини автоуловлардан узмай.

— Ахир бу кўприкни қуришга озмунча пул кетганими? — билалонлик қилди унинг ҳамроҳи.

— Чолиш кўпригинданам, бу ерданам ҳафтада икки марта Тошкентга

ўтиб қайтаман. Биров мендан бир тийин сўрагани йўқ, — баҳса оидинлик киритди бўйдор йигит.

Поезд гўё ўз қудратини кўз-кўз қилиб, асов дарёга ўчакишгандек, сувга қадалган мустаҳкам устунларга оғирини ташлаб ваэмин ўтиб борарди. Залворли юкни елкаларида кўтариб турган метин устунлар мамлакатимиз қудрати рамзига ўхшайди. Худудларни ўзаро туташтириб турувчи кўприкларнинг мустаҳкамлиги унга тиргак устунларга боғлиқ бўлгани каби, эл-юрт тинчлиги ва фаровонлиги ҳам Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек элим деб, юртим деб яшаётган фидойи, меҳнатқаш, иймон-этиқодли кишиларга боғлиқдир. Улар бамисоли икки дил, икки қалбни бир-бирига чамбарчас туташтирувчи устунлардир. Шоиримиз Матназар оға айтганидек:

Дарёнинг муборак қирғоқларини Кўприклар кўшади.

Бу — Ҳақдан фармон. Кўприкли дарёга кўприклар толе, Кўприксиз дарёга кўприклар армон.

Мангулик қошида тизилар йиллар, Мисли мижжаларда киприklar... Кўприklar икки хил бўлади, Кўприк кўприklar ва

одам кўприklar. Балю-қазоларга кўраги қалқон, Тоғлардек юкларга тутганча елка, Хар икки хил кўприк матонат билан Жоғларини фидо қилдилар элга. Тошкентликлар зйрак бўларкан, бизни кўриши билан "Хоразмданмисиз?" деб сўрашади. "Нердан билдингиз?" дейман ажабланиб. "Сиздан гуруч ҳиди келаяпти" дейди ҳазиллашиб. Гафдан гап чиқиб, воҳанинг "дим зўр" бўлиб кетгани ҳақида гурунглашамиз.

— Борганимизнингиз? — деймиз ака-ука соддалигимиз тутиб.

— Хоразмга умуман бормаганман.

— Унда қаердан биласиз?..


— Телевизорда ҳар куни кўрсатишяпти-ку.

Воҳамиз ҳақидаги илиқ гапларни эшитиб қувонамиз. Юртимизнинг бу чеккасидаги кишилар у бурчагида нималар юз бераётганидан боҳабар. Бировнинг ютуғидан биров қувонаяпти. Авваллари Хивани кўриш орзусида юрганларни кўп учратардик. Эндиликда Урганч шаҳрини бир кўриш иштиёқига юрганларнинг салоғи йўқ.

Ҳақиқатга эврилган афсоналар

Қадимдан келаятган шундай нақл бор: "Йул азоби — гўр азоби". Мақоламиз бошида келтирганимиз водийлик меҳмоннинг гапи воҳанинг узоклигидан ташқари, йўл азобидан эди. Дарҳақиқат, ўша пайтларни бошқа вилоятлардан келган меҳмонлар "Хоразм дегани дунёнинг нариги чеккасида экан-ку" дейишарди.

Хоразм бир узок округ, Келмак қирин, темир йўл йўқ, Сиздан керак ёрдамчилиқ, Хуш келдингиз, Хоразмга. Мадраҳим Шерозий ана шундай армон қилган эди. Бугун йўлар таъ-



Ҳайратлар воҳаси

мирланиб, поезд қатновидан кўнги-лар тўқ, қайғумиз йўқ. Ҳа, одамлар дунёкезар бўлиб бораёпти. Бир вақтлар "Хоразм дунёнинг нариги чеккасида экан-ку" деган одамга жавобан: "Ҳозир хоразмликлар учун дунёнинг нариги чеккаси бир қадам бўлиб қолди" дегинг келади.

Буюк ипак йўли бўйлаб жадал сурьатда қурилган энг замонавий, теп-текис халқаро автойўл Қизилқумни буткул кесиб ўтиб, Газлидан Тўртқўл худудига қадар туташди. Хайдовчиларнинг қувончи чексиз. Эмишки, бир замонлар кўна Урганчдан йўлга чиққан мушук томдан томга сакраб Бухорода ерга тушар экан. Эндиликда янги Урганчдан чиққан мушук машинадан машинага сакраб Тошкентга бориши мумкин, десанг ҳеч ким ҳайрон қолмайди. Ҳазораспда ишлаб чиқарилаётган уловларнинг салоғига етиш қийиндек.

Ҳазорасп асли форсча "минг от" демакдир. Қадимда у Хивадан кейинги энг катта қалъа бўлиб, минг отлик аскар бўлган. Ҳазораспликлар от боқиб ва чавандозликда тенгсиз ҳисобланган. Буни қарангки, қадимда отулов боғланган минглаб қозиклар ўрнини бугун минглаб автоуловлар эгаллади. Ёғоч от-аравалар ўрнида "Damas", "Orlando" ва "Labo" каби темир отлар "гигинглиб" турибди. Шоир таъбири билан айтганда, "Тудди ҳақиқатга юз, минг йиллик афсоналар".

Эндиликда Питнак шаҳридаги автомобил заводи нафақат юртимиз, балки Марказий Осиё минтақасидаги йирик санаот корхоналаридан саналади. "GM-Uzbekistan" акциядорлик жамияти Хоразм филиали, "Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси" масъуляти чекланган жамияти қошида ташкил этилган ўн та янги корхонада автомобиллар учун ўрта ва майда турдаги деталлар ишлаб чиқарилаётгани янада қувонарли. Буларнинг бари Биринчи Президентимиз Ислом Каримов номи билан боғлиқ. Мухтарам Юртбошимизнинг эл-юрт фаровонлиги йўлида қилган ишлари ҳеч қачон нуқулмайди.

Неъмат

Колхозлар ноҳор аҳволда қолган йиллар эди. Оилавий пудрат асосида бир гектар ерга шולי эқдим. Уруғлини ҳам, ўғитни ҳам колхоз ёлчитиб бермади. Ўз ҳисобимдан анча харажат қилиб, қузги ҳосилга етидим. Раис билан талашиб-тортишиб, режадаги ҳосилдан ортган 70 кило шолини тракторда уйга олиб келдим. Тракторчи шоби турганидан тележкани ағдариб, шолини ерга тўқди-да жўнаб кетди. Шаҳарлик божамнинг қизлари меҳмонга келган экан, улар шолини кичик тоғораларга сола бошлади. Бир гектар ердан менга теккани бор-йўғи бир қоп келадиган шолини кўйишга жой тополмай, ётадиган хонамизнинг бир бурчига тўкиб қўйганимиз — қўшимча томорқамиздан олган шולי устига тўқди. Олган ҳосилим сарфлаган харажатим олдида урвоқча эди. Кўнглим чўккан, қоғоғим очилмасди. Эртасига божамниқига йўлим тушди. Унинг озги қулоғида.

— Бу йил шолидан мўл-ҳосил олганингни эшитиб қувониб ўтирибман, — деса бўладими. Пичинг қилаяптими десам, росткамига шоҳ.

— Кимдан эшитдингиз? — дедим аччиғим чиқиб.

— Шолинг кўплигидан қўйишга жой тополмай, ётадиган хонангни бўшатиб шולי босиб қўйган экансан. Яна тракторда келтирибсан. Қизларим кўмағида кўпайлашиб, уйга бир амаллаб олиб кирибсизлар. Мендан нимасини яширасан. Беғона эмасман-ку.

Бу гапларни эшитиб божамни тушундим. Умирида шולי даласини кўрмаган шаҳарлик қизчаларнинг тасаввурича ҳаммаси тўғри. У пайтлари одамлар бозордан бир кунлик масаллик харид қиларди. Ҳозирғидай, копи билан сотиб олиш қаёқда дейсиз. Ўшанда мен колхоздан норози эдим. Ҳали булар "ҳолва" экан. Кўп ўтмай қаҳатчиликка ўхшаш кунлар келди. Дастурхонларда макка унидан қилинган нон ва ликопчаларда макка бодрогидан бошқа нарсга қўринмасди. Йўқчиликнинг "аччиқ" таъминоти татиб кўрдик. Яратган бизга у кунни ибрат учун кўрсатди. Ёш болаларимиз "палов ёйман" деб йигини бошлади. Уйда гуруч туғул, бир сиқим оқшоқ

ҳам оқ. Ҳосили йиғиб олинган далалардан териб келган шולי бошогини онаси келида туйиб гуруч қилди. Болалар палов пишишини сабрсизлик билан кутиб, ўчоқ бошидан кетмадилар. Келида янчилган шолининг палов паловга ўхшамасди.

Божамнинг ўшанда айтган гапига фаришталар омин деган экан, орадани йиллар ўтиб, 2008 йили божамнинг тасаввуридagi ҳолат юз берди. Трактор арваларини тўлдириб-тўлдириб шולי олдик.

Гурланлик оддий меҳнатқаш кичик-роқ туй берса, камида 200 кило гуручнинг элга ош қилиб тарқатади. Болалигимизда (ўтган асрнинг 60–70-йиллари) тўйларда товоқ кўтариб қозон бошига борсак, кимнинг қўли ва лабиде ёғ юки бўлса, "Сен палов егансан" деб ош бермасди. Шунда шумроқ болалар қўл ва лабларини яхшилаб ар-тиб, ёғ юқини кетказиб, палов емаганлар қаторида иккинчи марта қозон бошига товоқ кўтариб борарди. Ҳозир невараларимиз ликопчаларини тўлдириб ош сузмасак, арзалаб, дастурхон ёнига келмайди. Уларга насихат қилиб, болалик давримни, энаси (бувиси) келида шולי туйган кунларни эслатаман.

Энгил машинада Тошкентга кетаётган эдик, Қизилқум постида гуруч ортган тўрт-бешта "Камаз"ни обдон текшираётган экан. Бежирим формаси ўзига ярашган бир милиция ходими ёнимизга келди. У ҳамроҳларимиздан бири билан таниш чиқиб қолди, юзига табассум югуриб, илиқ сўрашди: — Хоразмлик деҳқонлар! Жоллими? Бурунч дим кўпми бу йил? — деди.

— Дим-дим, — дедик кайфиятимиз чоғ.

— Шу бир нарсга ҳайронман-да, — деди у китмирлиги тутиб. — Мана шу постдан кечаю кундуз изи узилмай, "Камаз" тўлиб гуруч ўтади. Уша "Камаз"ларга тупроқ ортисла, Хоразмда тупроқ туғаб қолган бўларди. Шунча гуруч қаердан чиқаяпти?

— Эсингдами, ётоқхонада сен билан лоф айтишардик. Ҳозир ҳам шу қилигинг қолмабди-да.

— Ҳозир кўз олдимизда бўлаётган воқеалар биз айтган лофлардан ўзиб кетди, жўра...

сиясига жўнатиш учун Шовот темирйўл бекатига етказгунча йўлда талончиларга дуч келардик.

Бугун эса қовун ўғриси ҳақида гап очилса, одамнинг қулгуси қўстади. Оғайнимиз Аҳмад уйига бир машинани тўлдириб кўк гуруч туширган экан, 7-8 тадан ортиқ сота олмабди. Қариндошларига тақсимлаб, "Сотганингизча сотинглар, ёганингизча енглар" деди. Бизга 50–60 тачаси тегди. Сотиб-ёб тугатолмадик. Бундай тўқин-сочинлик ҳеч қачон бўлган эмас, деган гапни кексаларимиздан эшитганда юрагим бир тўлқинланиб олади.

"Рақс сеҳри"

Хоразмнинг жўғрофий жиҳатдан ўзига хосликлари бор: Ҳазорасп олма-си, Хонқа хунармандчилиги, Богот боғлари, Хива санъати билан машҳур. Барчасини умумлаштириб турувчи уйғунлик бу — қуй. Хоразмда лазги қуйи ижро этилмаган давра бўлмайд. Меҳмонларни лазги билан кутиб олиб, лазги билан кузатиб қўйишади.

Жорий йилнинг 15–17 июль кунлари мамлакатимизда илк бор ўтказилган "Рақс сеҳри" халқаро фестивалининг айнан Хивада бўлиб ўтишида ҳам рамзий маъно бор. Республикаимизнинг барча худудларидан ташриф буюрган ўнлаб жамоа миллий кийимларда ўз санъатини — рақси, қуй-қўшиқларини ижро этган ҳолда "Ота" дарвозадан бирин-кетин кириб кела бошлади. Карнай-сурнайлар меҳмонлар келганидан дарак. Ҳар бир вилоят фольклор жамоаларининг такрорланмас жозибаси бор. Буни анжуманга йиғилган меҳмонларнинг ҳайратидан ҳам яққол кўриш мумкин эди. Сайёҳлар янграётган қуй-қўшиқларга ўзларича рақс тутиб кетишди.

"Хунарманд" уюшмаси вилоят бўлими томонидан "Ичанқалъа" давлат музей-қўриқхонаси худудида хунармандлар ва рассомлар кўргазмалари, қўғирчоқ томошалари ташкил этилиши ҳам юртдошларимизнинг, сайёҳларнинг эътиборидан четда қолмади. Хунармандларнинг санъат асарлари даражасидаги маҳсулотлари юқори дид ва маҳорат билан яратилган бўлиб, ўз ўрнида халқимиз амалий салоҳиятининг исботи бўлиб хизмат қилди. Фольклор жамоаларининг рақси, айниқса, қуй-қўшиқлари уч кун мобайлида Ичанқалъа узра таралиб турди. Бу уч кун чин маънода санъат кунлари — санъат байрами бўлди, десам хато бўлмайди.

Фестивалда мамлакатимизнинг турли худудларидан ташриф буюрган машҳур санъаткорлар билан бирга АКШ, Германия, Франция, Испания, Ҳиндистон, Жанубий Корёя каби қатор мамлакатларнинг ижодий жамоалари қатнашганлиги анжуманнинг ҳам қамрови, ҳам довуғини оширди. Фестивални телевизордан томоша қилган бир дўстимнинг гапи қулоғим остида ҳамон жаранглаб турибди: "Рақс сеҳри" ҳам бир кун келиб "Шарқ тароналари" каби нуфузли халқаро анжуманга айланса ажабмас.

Ер юзига қайтган дарёлар

"Мустақиллик бизга нима берди?", "Биз Мустақилликка нима бердик?..." Мана шу саволлар шууримизда бот-бот такрорланиб туради. Бу саволларга турли хил жавоб бериб келаяптимиз ва ҳар гал янгидан-янги жавоблар пайдо бўлаяпти. Мустақиллик воҳага буюклар номини қайтариб берди. Ҳаёти ва ижоди бериқлама талкин қилинган аждодларимиз Рабғузий, Пахлавон Маҳмуд, Нажмиддин Кубро, Аваз Ўтар каби шахслар ижодига ҳолис баҳо берилди. Уларнинг асарлари асл ҳолича янгидан нашр қилинди. Жалолитдин Мангуберди, Огаҳий каби улуг зотлар шарафига маҳорат-

Кеча ва бугун

ли ҳайкаллар ўрнатилди. Очиги, бу ёзаётганларим янглик эмас. Бу гаплар ҳаммага маълум-ку, нега такрор-ляяпсан, дерсиз. Устозимизнинг шундай шеъри бор:

Хоразмни қазсангиз агар, Ер остидан дарёлар чиқар. Хоразмни қазсангиз агар, Ер остидан дунёлар чиқар. Нола тортиб юборажаксиз, Қорачикдан қақнаб эилар. "Ер остида нега кетдингиз, Азиз дарё, азиз дунёлар?". Шундай жавоб бўлгандир сизга: "Йўқ! Кетмакчи эмас эрдик биз. Сизларнинг кўп кирдикорлардан Ер ёриди, ерга кирдик биз. Ҳали бир авлодлар келгайдир Номингиздан тавбалар айтиб. Шунда, иншооллох, ҳаммамиз Ер юзига чикурмиз қайтиб!".

Дарёларимизнинг ер юзига қайтгани рост бўлсин! Билсангиз, дарёлар ирмоқлардан бошланиб денгизга қуйилиш жойида тармоқларга бўлинган. Бугун дарёларимиз нафақат Хоразм замини узра қайтиб чиқадилар, балки буюклар меросидан баҳраманд бўлган ёшларимиз тафаккур маҳсули улкан дарёнинг тармоқлари каби жаҳон илм уммонига бориб қўшилмоқда. Жаҳон саҳнаси ва шоҳсупасини забт этаётган ўқувчилар, хорижий давлатлар томонидан ўқишга тақдир қилинаётган толиби илмлар ҳақида мақола-лар газетамиз саҳифаларида ёритилди. Ҳали ёритилмагани қанча!

Ўзбекистон — ягона уйимиз

Бугун Хоразмга борсангиз, тамад-дихоналар пештоқида "Ғиждувон ка-боб", "Андижон сомса" каби ёзувларга кўзингиз тушади. Бошқа вилоятларда эса "Тухум барак", "Сузма палов" сингари ёзувлар ҳаммага таниш бўлиб қолди. Хизмат сафари билан Урганчга ташриф буюрган журналистларни "Авесто" ёдгорлиги билан таништириб, юртимиздаги ўзгаришлар ҳақида тўлқинланиб гапирар эканман, Шовот канали устидаги кўприкдан ўтиб ўнга бурилдик. Канал ёқасида қатор тикилган ўтовларга кўзи тушган Абдухамид қизиксиниб сўради: — Анду ўтовларда қорақалпоқлар яшайдими?

Ҳамроҳим Ҳабибулло деган йигит гапни илиб кетди:

— Ўтовлар сони 12 та. Ҳар ўтовда ҳар худуддан ошпазлар келиб ўз тамоларини тайёрлайди. Истанг, Самарқанднинг нўхат шўрваси, қорақалпоқнинг бешбармоғи — ҳаммаси муҳайё. Хоҳласангиз, тунаб қолишингиз мумкин.

Ўз воҳамда ўзим сайёҳга айланиб, меҳмонлардан қўра кўпроқ ҳайратланаман. Канал ёқалар чининдай йўладан қадам ташлаб, сарой фонусларини эслатувчи чироқлар ёнидан ўтиб борарканмиз:

— Тўхтанг! — деди бирдан Абдухамид қимматбахо телефонини суратга олишга шайлаб менга узатаркан. — Бизни шу ерда суратга олинг! Тошкентдаги дўстларимизга кўрсатиб, қаерда тушганимизни топ, деймиз. Чиндан ҳам, бу ер дунёнинг манаман деган шаҳарларидан асло қолишмайди.

Мен авваллари Тошкент сафаридан қайтганимда фарзандларимни ширинликлар билан хурсанд қилардим. Ҳозир бунинг сираям илоҳий йўқ. Чунки кейинги пайтда пойтахтдан нима совға олиб келмай, уйдагилар "Бу фалончи оғанинг дўқонидан-ку!" дейди. Охири мен ҳам кўниб қўя қолдим. Қўшлогимиз дўқонидан олган совғамни "Тошкентники" деб ишонтирадиган бўлдим.

Маҳмуд РАЖАБОВ, "Ma'rifat" мухбири

Шахнинг ижтимоий, биологик ва психологик ривожланишида ўсмирлик даври алоҳида аҳамиятга эга. Айнан шу фаслда шахс ахлоқий сифатлари, ақлий камолоти ва характер хусусиятлари шаклланиши жадаллашади. Шу билан бирга, организмда кечадиган биологик, физиологик ўзгаришлар натижасида агрессив хулқ мотивлари намойи бўлиши мумкин. Организмнинг физиологик-руҳий ривожланиши жараёнида гормонал мақом ўзгариши юз беради. Тиббий нуқтаи назардан қаралганда, ўсмирдаги барча ўзгаришлар гипоталамус ва эндокрин безларнинг рағбатлантирувчи ҳамда назорат қилувчи таъсири остида кечади. Айрим гормонлар ортиқча ишлаб чиқарилиши, фаоллашиши натижасида унинг хатти-ҳаракатида агрессивлик яъни, тажовузкорлик кузатилади.

Ўсмирда агрессив хулқнинг пайдо бўлишига асосий сабаб — ижтимоий муҳит таъсиридир. Бошқа омиллар ҳам йўқ эмас. Булар — ёш, шахсий хусусиятлар, ташқи жисмоний ва ижтимоий шароитлардир. Шовқин, иссиқ, торлик, экологик, иқлимий ўзгаришлар тажовузкорликни янада кучайтиришга хизмат қилади. Мутахассислар фикрича, шахснинг агрессив хатти-ҳаракати шаклланишида асосий ролни бевосита уни ўраб турган ижтимоий муҳит ўйнайди.

Боланинг оилада олган тарбияси нима учун бир умрга сақланиб қолади? Чунки у оилада туғилади, унибўсади, ота-онани таъсирида улғаяди. Шу боис, шахсни камолга етказишда биронта ҳам тарбия институти оиланинг ўрнини боса олмайди. Бола тарбиясида оиланинг роли ҳақида тадқиқотчилардан бири Э.Фромм шундай ёзади: «Оила — жамиятнинг ўзига хос «психологик воситачиси», шунинг учун бола кейинчалик жамиятда адаптация ва турли ижтимоий муаммоларни ҳал этиш асоси бўлиб қоладиган характерни шу масканда шакллантиради».

Дарҳақиқат, ўсмир оилада ўз характерини мужассамлаштиради экан, бунинг бевосита ижтимоий муҳитда ҳам намойи қила бошлайди. Агрессивликнинг оилада намойи бўлиши шакллари турлича. Бунга мажбурийлик, совуқонлик, шахсни руҳан эзши, болани эмоционал қабул қилмаслик кабиларни кириштириши мумкин.

Болада бундай хулқ-атворнинг пайдо бўлишига турли оилавий

омиллар таъсир қилади. Масалан, оилавий маънавиятнинг паст даражадалиги, зиддиятлар, бола ва ота-она ўртасидаги яқинликнинг етарли эмаслиги, тенгқурлар билан салбий муносабат, оила тарбиясининг ноадекват усули ўсмир оламига салбий таъсир кўрсатади. Фарзандига нисбатан ўта қаттиқ жазо қўллайдиган, ҳаддан ортиқ назорат

Ўсмирнинг агрессив хатти-ҳаракати

унинг олдини олишда педагог ва ота-она қандай йўл тутуши лозим?

қилувчи ота-она ёки аксинча, унинг машғулотларини назорат қилмайдиганлар кўпроқ агрессив ҳолатларга дуч келади.

Ўсмирдаги бу ҳолатга асосан куйидаги омиллар катта таъсир кўрсатади:

- бола ҳаракатидан қониқмаган ота-онанинг муносабати;
 - фарзанд ва ота-она ўртасидаги мураккаб муносабат;
 - оила муҳитидаги гармония ва дисгармония даражаси;
 - ака-ука, опа-сингил ўртасидаги муносабатлар;
 - ота ёки она ёҳуд ҳар иккиси билан бўлган зиддият;
 - боланинг ўзини ҳеч нарсага ярамайди деб ҳисоблаши ёки ўз хис-туйғуларига нисбатан бепарволикни хис қилиши.
- Агар шундай феъл-атвордаги

фарзанд ота-онасининг қўллаб-қувватлашмаслигини, қизиқларига бепарволигини сезса, жиноят кўчасига кириб кетиши, тенгдошлари билан бўлар-бўлмасга жанжал-тўполон кўтариши, ота-онаси айтган ишни қилмаслиги ёки айтилганга аксинча иш тутуши мумкин.

Демак, боладаги агрессив хатти-ҳаракат оилада ўзаро бир-бирини психологик жиҳатдан тушунмаслик туфайли келиб чиқар экан. Ўсмирлик кескин ўзгаришлар даври эканлигини ҳисобга олган ҳолда, уларга алоҳида эътибор қаратиш тўғрисида кўп фикр-мулоҳазалар айтилиши сабаби ҳам шунда.

Ўсмир ўзини англай бошлагач, ён-атрофидаги яқинлари билан муносабатини ўзгартиради. Ўз-ўзини англашнинг ривожланиши

босқичлари тўрт жиҳатда намойи бўлади:

- ўзи тўғрисидаги ахборотнинг тўпланиши;
 - уларни умумлаштириш;
 - ўзининг бошқаларга ўхшамаслигини тушуниш;
 - ўзи ҳақида мулоҳаза юритиш қобилияти ва ўз шахсига ўзи баҳо бериши.
- Ўсмирнинг ўз-ўзини англаши бир нечта даврга ажратилади. Бу даврда у айнан ўхшашлик инқирозини бошидан кечиради. Канадалик психолог Д.Марсиа ўсмирлик инқирозини тўрт асосий турга бўлган ва улар айни пайтда ушбу инқирознинг босқичи бўлиб ҳисобланади:
- кўриш, айнан ўхшашлик — индивид ҳали инқироз даврига кирмаган;

Mutaxassis minbari

— олдиндан белгилаб қўйиш — индивиднинг катта ёшдагилар ўртасидаги муносабатлар тизими-га мустақил равишда эмас, инқироз ва синовлар даври ўтмасдан қўйиши;

- мораторий — ўсмирнинг ўз маъқеини белгилаб олиш жараёни;
- етилган, айнан ўхшашлик — инқирознинг ниҳоясига етганидан дарак беради;
- амалий ўз-ўзини реализация қилишга ўтиш.

Дастлабки икки босқич унчалик натижа бермайди, аммо педагогик маҳоратини ишга солган ҳамкасбларимиз болани мураккаб ҳолатдан олиб чиқишга эришадилар. Кейинги икки босқич эса, ўз руҳий ҳолати ҳақида ўйлашнинг юқори даражада ривожланганлиги, ақлий мустақиллик, ўзаро муносабатлардаги бирмунча сирлилика таянади.

Беқарорлик, ўзгарувчанлик, қарама-қаршилик, айрим хислатларни баҳолашда ҳаддан ошириб юборишга мойиллик ўсмирнинг ўз-ўзини баҳолашидаги асосий хусусиятидир.

Педагог ва ота-оналар ўсмирдаги агрессивликни бартараф этишда таълим-тарбия жараёнини бевосита оила муҳитига уйғунлаштириб олиб бориш ижобий натижа беришини яхши биллиб олишлари керак. Аввало, ота-она билан синф раҳбари дўстона ҳамкорлик ўрнатганим, бу яна ҳам муҳимроқ. Мактаб ва синфдан ташқари машғулотларда ўқувчиларни ўзаро аҳилликка ундаш, жамоа бўлиб ишлашга шараф яратиш керак. Оилада имкон қадар ота-она ўсмир фарзандига ҳурмат-эътибор билан қарши, баъзи масалаларни у билан маслаҳатлаштириш, фикрини инобатга олиши, муаммоларини биргаликда ҳал этишга кўмаклашиши ўсмирнинг ўзи оламида кузатиладиган мураккаб вазиятларни енгишига ёрдам беради.

Шаҳноза ЭРНАЗАРОВА,
Зафаробод туманидаги
14-мактаб психологи

Қизингиз — юзингиз!

Номуси, қадр-қиммати, инсонийлик мартабасини сақлаб, ноқоғиз ишлардан нари юриш ўзбек халқида қадрланади. Ҳаё — магнавий жавоҳир, опа-сингилларимиз, қизларимизнинг қадр-қиммати шу билан ўлчанади. Айниқса, қиз боланинг, зийнати ҳаёдир. Ҳаёли, иболи қиз мақтовга муносиб, унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилади.

Қиз бола одоб-ахлоқи, ибодат-ҳаёсини мужассам этган феъл-атвори билан тўқис ҳуснга эга ҳисобланади. Таассуфки, айрим қизларнинг юриш-туриши, гап-сузюи одоб-ахлоқида кўзга ташланаётган нуқсонлар кишини ташвишга солади. Энг ёмони, ўта замонавийлашиб, «оммавий маданият»га берилиб кетиши оқибатида ўзбек қизлари шарму ҳаёси билан гўзал, деган таърифдан бебахра қолишидир.

Ижтимоий тармоқлардан бирида ўзбек қизининг одоб-ахлоққа зид, ибодат-ҳаёдан йироқ, Шарқ аёлларига хос бўлмаган кўри-нишдаги видеотасвири тарқалишидан қаттиқ таъсирландим. Видеоматериал муҳокама интернет фойдаланувчиларининг тундан тонггача қизинг муҳокама-сига айлангани эса ундан-

да ачинарлидир. Бир нарсани унутмайлик: шу қизнинг ўрнида рафиқамиз, қизимиз, синглимиз, неварамиз бўлиб қолса-чи? Бемаза сурат ва видеолар қаердан олинапти? Уларни тармоққа ким жойлаштиради? Нега кўча-қўйда бешарм қилликлар қилиб юрган қизларни кўрганимизда, индамай ўтиб кетаврамаиз? Нега уларни тартибга чақириш ўрнига, худди етти ёт бегонадек, ихстеҳзо билан қулиб қўямиз?

Педагог сифатида бу саволлар менга тинчлик бермайди. Она тили ва адабиёт фанидан дарс берганим учун ўқувчиларга газал, шеърлар ёд олдириб, кўпроқ бадий асар ўқишга ундайман. Айниқса, ўқувчи қизларнинг шеърят, адабиёту нафосатдан баҳраманд бўлиб улғайиши жуда муҳим. Нафақат мактаб,

балки уйда ҳам телефон титқиламасдан китоб ўқиган қизларимиз ҳақида фақат яхши гаплар эшитамиз. Ота-оналарга «Нега қизингиз уйдан ўқишга чиқиб кетаётганда бир марта бўлса ҳам қараб қўймайсиз? Нега қиммат телефонни олиб берасизу, ундан қандай фойдаланиш кераклигини ўргатмайсиз? Наҳотки, фарзандингиз учун вақтингиз йўқ бўлса?», деган саволларни бергим келади.

Қуш уясида кўрганини қилади. Нафақат қизлар, балки айрим оналарнинг тарбияга муҳтожлиги мени ташвишлантиради. Қиз бола онасининг отасига муносабатини кўриб, эртага турмуш ўртоғига шундай муомала қилади. Ана шу жойда оналар энг муҳим масалани унутиб қўйишяпти. Оқибатда эса, оила қурган қизлар турмуш ўртоғига итоатсиз, оила, турмуш масалаларига



енгил қарайдиган, бетгаочпар, ўзаро, майда-чуйда жанжаллар сабаб оиласи бузилиб кетиш даражасигача бориб етаётганини ҳам кузатиш мумкин. Қиз болани фақат онаси тарбиялайди, деган фикр унчалик тўғри эмас. Бунинг учун оталар ҳам масъулдир. Педагогик тажрибамдан келиб чиқиб, қизлар тарбиясида энг зарурий жиҳатларни кўрсатмоқчиман:

- энг аввало, оилада ота жуфти ҳалолнинг ахлоқ-одоби, рўзғор тутуши ва муомала маданиятига қатъий эътибор бериши;
- қиз болани каттага ҳурмат ва кичikka иззатда бўлишга ўргатиш;

Mulohaza

— эртаклаб ўқишга ёки ишга қандай кийиниб кетади, кайфияти қандайлигини кузатиш;

— ўқишдан қайтгач, қандай баҳо олгани билан қизиқиш;

— уйда унинг нима билан бандлигини назорат қилиш; — телевизорни қанча вақт ва қандай кўрсатувларни кўришига бефарқ бўлмаслик; — ўсмир қизнинг кун давомида қандай муаммоларга учрагани, уни нималар қийнаётгани билан қизиқиш ҳар бир ота-она эътиборидаги масалага айланиши лозим.

Қиз бола тарбияси жуда нозик иш. Эҳтиёткорона муносабатда бўлмасак, панд еб қолишимиз мумкин. Фарзандимизга қанчалик даражада чиройли тарбия берсак, келажакда бунинг раҳматини эшитамиз. Қизимиз — юзимиз. Зеро, камтар, мулойим, хушфеъл ва гурур билан зийнатланган қизларга бахт эшиклари ҳаммиса очик.

Саодат ИБРОҲИМОВА,
Наманган шаҳридаги
2-ИДУМИ ўқитувчиси

2016-yil 21-sentabr, № 76 (8933)

Улуғ бобокалонимиз Абу Райхон Беруний асарларидан бирида муסיқа, оҳанг, шеър ва уларнинг уйғунлиги бора-сида шундай сўзларни билдирган: «Оҳанглар руҳга (қалб-га) тартибга туширилган, шаклга киритилган бўлганда-гина кучли таъсир қилади: чуқи руҳ (қалб) тартибга кирган нарсани тезроқ қабул қилади ва шунинг учун ҳам у шеърга туширилган нарсани осон илғайди ва шу сабабли у шеърга кўпроқ интилади, чуқи шеър низоми (тартибли)дир: аммо у муסיқа билан оҳанглаштирилган шеърларга янада кўпроқ майл қўyadi, негаки (бунда) шеърнинг тартиби оҳанг мутаносиблиги (гармонияси) билан уйғунлашган бўлади».

Бизнинг санъат ва маданиятимиз асрлар давомида инсоният цивилизацияси тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келган. Ундаги ўзига хослик, миллийлик, маънавий юксаклик ҳам ҳали-ҳануз кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда. Албатта, бу каби эътирофларга муносиб бўлиш, боболар бошлаб берган муסיқа илмини давом эттириш, ўз ақлу заковатини, билимини истеъдодли, қобилиятли ёшлар билан баҳам кўриш устозлар зиммасидаги энг масъулиятли вазифалардан.

Фаргона санъат коллежи ўқитувчиси Дилором Алиева ана шундай фидойи, жонкуяр, устозлардан.

— Ўзбекистон давлат консерваториясида таҳсил олиш билан бирга, у ерда Фазилат Шукуровадан дирижёрликни ҳам ўргандим, — дейди суҳбатдошим. Халқ чоғуларни орасида ўрганиш энг қийин бўлгани — бу чанг сози ҳисобланади. Унинг 73 та тури бор. Хар бир ўқувчи, аввало, уни созлашни билиши керак. Боя айтганимдек, дирижёрликни ҳам ўрганганим боис коллежда оркестр синфини ташкил этдим. 62 нафар ўқувчи оркестр аъзоси ҳисобланади. 2013 йили дутор, чанг, рубоб каби халқ чоғуларидан ташкил топган ансамбль синфимиз «Ниҳол» мукофотига лойиқ кўрилди. Ана шу мукофотдан сўнг ўзимга ишончим ортди. Бу рағбат мени катта-катта мақсадлар сари илҳомлантирди. Шундан кейин ансамбль ва оркестр синфларини турли танловларга тайёрлай бошладим. Бир нафар ўқувчим халқаро танловда голибликка

«Кўнгул қуввати хушнавоздин...»

эришди. «Она юрт оҳанглари» II кўрик-танловида, «Наврўз садолари» кўп овозли оркестр ва ансамбллар фестивалида ҳам ўқувчиларим муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

Дилором Алиева Фаргона санъат коллежининг «Халқ чоғуларни созлари» бўлимида чанг, оркестр дирижёрлиги, дирижёрлик амалиёти, мослаштириш фанларидан дарс бериш билан бирга «Халқ чоғуларни» оркестри бадиий раҳбари ва дирижёри ҳамдир. Бундан ташқари, вилоятдаги Болалар муסיқа ва санъат мактабларининг «Оркестр ва чанг» бўлимлари бўйича координатори ҳисобланади.

— Дилором опа, хар бир болада озми-кўпми истеъдод ва қобилият бўлади, дейишади. Олдингизга истеъдоди юзага чиқмаган, ўзи ҳам қўлидан хали нима келишини билмайдиган ўқувчи келганими? Келган бўлса, ундаги қобилиятни қандай пайқагансиз ва юзага чиқаргансиз?

— Базилар ўқувчинини шундоқ кўради-да, бунда истеъдод йўқ ва ҳеч нима-ни эллай олмайди, деб дарров юзаки хулоса чиқариб қўя қолишади. Аксинча, ўқиш истагида келган ўқувчининг бор имкониятларини юзага чиқаришга

ҳаракат қилиш керак. Бундан бир неча йил аввал Асалхон Тошматова исмли қиз ўқишга келган. Айрим ўқитувчилар: «Бундан ҳеч нима чиқмайди», деб у билан шуғулланишга вақтини қизганган. Бор эътиборимни ўша қизга қаратдим. Секин-аста ундаги истеъдод буй кўрсата бошлади. Бугунги кунда болалар муסיқа ва санъат мактабида



Ta'zim sizga ustozlar

туйфайли ҳамиша эътиборга, эътирофга лойиқ. Устоз санъаткорларнинг ижодий меросини ўрганиб, уни янада кенг тарғиб этиш, ёш авлод қалбига сингдириш эса маъсулиятли ва шарафли вазифадир. Яъни, миллий муסיқа санъатини тараққий эттиришнинг ягона

пайтида ҳам индамай ўтирмасди. Унга янги-янги муסיқаларни ўргата бошладик. Ана шу йигит «Тўфон» асари билан халқаро танловларда иштирок этиб, олий ўринларни олиб келди. Умидли гижжакчилардан бири сифатида тилга олиндиган бўлди.

Дилором Алиева шуни ҳам алоҳида таъкидлади:

— Муסיқа билан шуғулланувчи инсон одамларга хар томонлама ўрнатқ бўлиши лозим. Кийиниш маданиятига жиддий риоя этиши керак. Хар сафар халқаро танловларга, турли фестивалларга останаётганимизда, мен оркестр ва ансамбль аъзолари учун бир хил либос тиктираман. Энди уларнинг сахнада бир хил кийимда туришини кўрсангиз, кўзингиз кувнайди. Ўзига ярашган, лоп-лойиқ, чиройли кийим кийган созанда куйни ўзгача бир завқ ва маҳорат билан ижро этади. Шунинг учун ўқувчиларимга доимо чиройли кийиниш ҳақида ўқтириб бораман. Дилором Алиева вилоятдаги барча муסיқа ва санъат мактабларининг оркестр ва чанг синфларининг «катта устози» ҳисобланади.

— Туманларда муסיқа сир-асрорларини ўрганаётган ўқувчиларнинг кўзида ўт-олов, муסיқага бўлган меҳр-иштиёқ кўрсам хурсанд бўлиб кетаман. Ўзим билган жамики муסיқаларни уларга ўргатишга астойдил интиламан. 2014 йилда бўлиб ўтган «Наврўз садолари» республика кўрик-танловида муסיқа ва санъат мактаблари ўқувчилари иштирок этган эди. Ушанда биринчи, иккинчи, учинчи ўринларга вилоятимиздаги учта туман оркестр синфлари лойиқ кўрилганди. Риштон туманидаги ўқувчилар биринчи, бувайдаликлар иккинчи, Фарғона шаҳри вақиллари учинчи ўринни қўлга киритгани меҳнатларимиз бесамар кетмаётганини кўрсатади.

Шарифа МАДРАХИМОВА, «Ma'rifat» мухбири

«Муаллим — меҳрибон она»

«Boshlang'ich ta'lim» журналининг янги ўқув йили арафасида чоп этилган сони саҳифалари илгор тажриба ва методик тавсияларга бойлиги билан ранг-барангдир.

Журнал саҳифалари «Бошлангич таълимни модернизациялаш орқали ўқув-тарбия жараёни сифати ва самардорлигини ошириш» мавзусидаги бошлангич таълим ўқитувчилари форуми тавсиялари билан бошланган. Тавсияда жажжи болакайларга сифатли таълим-тарбия бериши, уларда лингвистик (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш) компетенцияларни шакллантириш, шунингдек,

чет тилларни чуқур ўргатишда интерфаол методларни қўллаш бўйича тажрибалар берилган.

Айни кунларда кўплаб педагогик жамоаларда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан байрам тадбири ташкил этишга тайёргарлик кўрилмоқда. «Устозларни улуғлар, ким бўлса улуғ» номли тадбир сценарийси бу жараёнда жуда асқотади.

«Тасвирий санъат» рўкнидаги тест синовлари 3-синф ўқувчиларининг тасвирий санъат фанида эгаллаган билимларини янада мустаҳкамлаб, ўтган ўқув йилларида ўзлаштирган билимларини такрорлашга ундайди.

«Боланинг соғлом таълим-тарбия олишида ўқитувчи иккинчи она ҳисобланади. Мактаб остонасига кириб келган жажжи, мурғак гўдакларни қабул қилиб олар экан, ўқитувчи ўз фарзандлари каби ўқувчиларга ўзгача меҳр, эътибор ва масъулият юкيني ўз зиммасига олади...». Журналдаги «Муаллим — меҳрибон она» мақоласида айни шу сингари фикрларни ўқиш мумкин. Аҳамиятлиси, бу мақолада ўқитувчи доим ёдда тутити лозим бўлган амаллар ҳаётий мисоллар орқали тасвирлаб берилган. «Кичик гуруҳларда қандай ишланади?» мақоласида ҳам долзарб мавзу кўтарилиб, ўқитувчиларга методик жиҳатдан жуда асқотади. Му-

аллиф кичик гуруҳларда ўрганишнинг асосий гоеси бирор нарсани бирга бажаришда эмас, балки биргалликда ўқиш, ўрганишдадир, дея таъкидлайди. Муаллиф бу фикрни назарий жиҳатдан ҳам асослаб, хулосани ўқувчининг ҳукмига ҳавола этади.


Журнал саҳифаларидан ўрин олган иккинчи синфлар учун математика машғулотидан «Харфли ифодалар» номли дарс ишланмаси, «Йил фасллари», «Ижодкор муаллимнинг «Гуллар ва қушлари», «Она табиат, сенга минг раҳмат» «Что такое оптимальное чтение», «Полезные ископаемые» сингари мақолалар ўқитувчилар учун муҳим қўлланма, сифатли таълим



бериш йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.


Нигинабону ХАБИБУЛЛАЕВА, ЎзДЖТУ талабаси

Сиздан кимдир: "Хаётингиздаги мушкул муаммолар ечимига ақл билан йўл топасизми ёки кўнглингизга қулоқ тутасизми?" дея сўраса, нима дейсиз ёки нима деб жавоб бергансиз? Мутахассисларнинг таъкидлашича, аксарият одамлар ҳеч иккиланмай, ақл билан, дея жавоб берадилар. Ахир, ҳис-туйғуларга лиммолим кўнгли майлига йўрғалаб, бирор бахтсизликка учрагандан кўра, ақл мададида таянган яхшироқ, шундай эмасми?! Лекин бу ҳар доим ҳам ўзини оқламайди. Тафаккур қаввати етмайдиган муаммолар ҳам бор. Уни фақат кўнгли «кўзи» билан кўра олиши, ижобий ҳал этиши мумкин.



Интеллектни енгган куч

ёки интуиция мўъжизаси



Фалсафа, санъат, илм ёки бошқа соҳаларда "интуиция" атамаси учрайди. Шарқда "инсоннинг ички овози" дея нисбат бериладиган бу кучнинг қудратини кўпчилигимиз тўла-тўқис сезавермаймиз. Ҳинд халқида бу илм "учинчи кўз" деб аталади. Яна айрим манбаларда унинг олтинчи сезги экани тилга олинади.

Энг қизиқ ва мураккаб жиҳати шуки, интуицияни ўрганиш, бошқариб бўлмайди. Оддий қилиб айтганда, у тўсатдан мияга келувчи, оний лаҳзаларда туғилувчи фикр. Инсон миясида рўй берувчи рефлектив жараёнлар шу қадар мураккаб занжирли боғланишлар ҳосил қиладики, баъзан турли сабаблар натижасида занжирлар тизимидаги халқалар бир-бирига туташиб кетади. Шундай туташув пайти киши миясига ярқ этиб янги фикр келади. Ана шу ҳолат интуициянинг нерв-физиологик асоси ҳисобланади.

Юнон файласуфи Афлотун талқинича, интуиция узоқ ақлий тайёргарлик, руҳий соғломликдан кейин инсон ички дунёсида қуртак ёзади. У ақлий фаолиятнинг маҳсули эмас, аксинча, уларни четлаб ўтиш, тийиб туриш орқали ҳосил бўлади, шу боис Афлотун таълимотида у "олий билим" дея эътироф этилади. Теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларнинг суваратини эмас, туб моҳиятини юзага чиқарувчи интуицияни ҳар ким ҳам ўзида ҳам этмайди. Гайришуурий (ақл иштирок этмаган) онгни шакллантириш, борлиқни синчиклаб кузатиш руҳан баркамол кишиларгагина насиб этганини қадим китоблару ривоятлар ҳам бот-бот тасдиқлайди. Қомусий олим Ибн Сино уни бежиз "илоҳий илҳом" ёки "илоҳий эҳон" деб таърифламаган.

Шарқда азал-азалдан ходисаларнинг ботинини кўргувчи кишилар иқтидори юқори баҳоланган. Аини шу йўлда илмлар уч даражага ажратилиб, энг қуйи поғона мантиқий билимга тенглаштирилган. Қуйи даражадаги билим эгаси "Менга олов ёндирилди, деб тушунтиришди ва ис-

ботлашди ҳам. Гарчи мен олов ёкиб, синовдан ўтказмаган бўлсам ҳам, бунга ишонман" дейди. Иккинчи даражадаги билим эгаси эса "Мен фалончининг олов ёққанини кўрдим, шу боис оловнинг ёниш хусусиятини биламан" дейди. Учинчи поғонадаги билим соҳиби эса "Мен олов ичра бўлдим, унда ёндим" дейди.

Француз файласуфи А.Бергсон бу босқични билиш субъекти билан объектининг ўзаро бирикиши, қўшилиб кетиши, деб изоҳлайди. Фарбдан фарқли, Шарқ оламида гайришуурий илмга инстинктив майллар(нафси амора)дан поклангандан кейингина эришиш мумкин, деб уқтирилади ва бу йўлда кишидан эзгу фазилатлар, пок қалбга эга бўлиш талаб этилади. Жалолитдин Румийнинг "Кўзани юмгли, кўзга айлансин кўнгли" деган машҳур ҳикмати ҳам интуитив билимларнинг сарчашмасидир.

Ўзликни англаш саодати

Латин тилида "диққат билан кузатмоқ", "синчиклаб қарайман" ("intueor") маъносини англатадиган интуицияга Фарб олимлари XIX аср охири XX аср аввалидан қизиққа бошладилар. Интеллектадан устун турувчи бу илмнинг қудратини тадқиқотчилар узоқ йиллар ўрганиб, муайян вақт ораллигида турли тажрибалар ўтказдилар. Гарчи интуиция кишида қай тарзда ишлашини аниқ ифодалаб беролмаган бўлсалар-да, унинг айрим жиҳатларини назарий тадқиқ этидилар.

Физик олим Альберт Эйнштейн "Мен интуиция билан илҳомга чин дилимдан ишонман. Интуитив илм — тўхфа, рационал билим эса содиқ хизматкоримиздир. Биз жамиятда содиқ хизматкорларни ишлатишни ўргандик, бироқ берилган совгани унутиб қўйдик. Реал қадрланадиган билим — интуициядир", деган эди. Фанда "Инсайт"(insight) атамаси мавжуд. "Фикр равшанлашиши", "моҳиятга яқинлашиш" маъноларини билдирувчи бу сўз инсон миясида тўсатдан туғиладиган, узоқ вақт ўйланган муаммонинг ечимини топиладиган фурсатга ишора беради. Архимеднинг

"Эврика!", "Эврика!" дея физик қонуннинг жавобини топан чоғидаги ҳайқирғи бунга яққол мисолдир.

Рус руҳшуноси Александр Конельскийнинг таъкидича, инсонга қаршидаги чегара билмас вақтнинг кўзига тик қараши, унга бас келиши учун интуиция тўхфа этилган. Инсон тафаккури юксалиб, илм-фан доираси кенгайиб боргани сари интуитивизм гоёлари хусусий фан намояндаларининг ҳам диққатини тортади. Математика соҳасида XIX асрларда Л.Кронекер, А.Пуанкаре, XX асрда Г.Вейль, А.Гейтинг изланишлари ўлароқ аниқ фанлар оламида "интуицияга асосланган мантиқ" йўналиши пайдо бўлади. Уларнинг аксарияти мураккаб математик масалалар ечимига рационал эмас, балки интуитив илм кўмак беришини қатор изланишларида қайд этганлар. 1926 йили америкалик тадқиқотчи Грехем Уоллес ижодий жараён мундарижасини ишлаб чиқиш, уни тўрт босқичга бўлади. Дастлабки босқич тайёргарлик деб номланиб, бунда муаммо ҳақида керакли маълумотлар тўпланади, фактлар таҳлил этилади. Кейинги — инкубация босқичида турғунлик кузатилиб, калаванинг учи чуваляшиб кетади. Ойдинлашув жараёнида эса илҳом, кашф этиш, "инсайт" ҳолати кузатилади. Тасодифан, оний юз берган ҳолат оқибатида олим кашфиётини яқунлаши, расом узоқ вақт етишмаган детални суратига жойлаши, ёзувчи қаҳрамонини кўнглидагидек тасвирлаши мумкин. Охириги босқич — текширувда фикрлар, кашфиётлар далил-исботини топади.

1948 йили Альберт Эйнштейн маърузаларининг биринчи физика оламга эндигина қадам қўяётган ёш олимларга, ҳамкасбларига қарата: "Ўз аччиқ тажрибамиз яқунда рационал тафаккур ҳаётимиз давомида учрайдиган муаммоларни бутунлай ечишга ёрдам беролмаслигини тушунидик", деганди. Бундай ноодатий «қарор» илм-фанда ақл ҳар доим ҳам маррага биринчи бўлиб келавермаслигини тасдиқлайди, яъни бу дунёда энг билимдон инсоннинг ҳам ақли етмайдиган масалалар борлигига ишора қилади.

Психоанализ концепцияси асосчиси Зигмунд Фрейд эса интуицияни "онгсиз ижод", дея талқин этади. Аммо интуиция илм-фандан айро ва айни пайтда биргаликда изоҳланган тақдирда ҳам ҳаётнинг туб маъноси — ўзликни англаш саодати эканига амин бўлаемиз. Киши ҳар доим ҳам атрофни диққат билан кузатиш қобилиятига эга бўлавермайди. Муайян вақт, шароит ҳамда эҳтиёж туфайлигина саодатли лаҳзаларни тутиб қолиш мумкин. Илмий тафаккур гарчи исботга, ҳисоб-киتابга, математик аниқликка асосланган бўлса-да, инсон ҳаётининг маъносини нима, деган жўн масалани ечишга қодир эмас. Зеро, одам ҳаёт маъносини фақат ўзлигини англашга етакловчи эзотерик (интуитив, нораціонал) илм туфайли англайди.

Антуан де Сент-Экзюпериининг: "Фақат кўнгли кўзигина очиқ, энг асосий нарсани кўз билан кўролмайсан", деган ибораси чекланган, чиқиқли мантиққа таянган рационал билимни қатъий рад этади. Олимларнинг фикрича, рационал тафаккурнинг асосий камчилиги кишини "қолип"га солиши, яъни янгилик яраттидан мосуво этишидир.

Бундай гипотезалар машҳур нейрожарроҳ Бенжамин Саломон Карсон хақидаги "Gifted hands" бадиий фильмининг эслатади. Тиббиёт тарихида ўзига хос янги даврни бошлаб берган, Симан эгизакларини бир-бирдан ажратиб, мураккаб операцияни амалга оширган шифокор тажрибасида интуиция қудрати, ички овоз мўъжизаси кадрларда яққол тасвирланади. Шу боис айтиш мумкинки, фандаги кашфиётларнинг бари интеллектуал интуиция (insight) ҳосиласи, рационал тафаккур эса фақат кашф этилган билимни тартиб-иш, уларни мантиқан изчил боғлаш, тегишли хулосалар чиқариш вазифасини бажаради, холос.

Соғ бўлай десангиз...

Интуицияга бағишланган қатор тажрибалар, қизиқарли мақолаларни ўқиганимизда, уни ҳар қайси инсон ўзида шакллантириши мумкинлигини сезамиз. Бунда кишидан, биринчи навбатда, улкан

сабр, доимий изланиш ҳамда ички овозни эшити билиш қобилияти талаб этилади.

Рухиятшуносларнинг айтишича, медитация интуицияни ривожлантиришда энг яхши машқ. Кундалик муаммолар, иш, ўқиш, рўзгор таъшивларини муайян вақтга унутиб, кўзларни юмганча, аввалига ҳеч нарсани, кейин фақат ижобий воқеаларни ўйлаш интуитив билимларни аста-секин ошириб боради. Психолог Александр Конельский: "Ҳар кун эрта саҳарда мусаффо тонг ҳавосини симириб-симириб, 1-2 соат кўчаларни айланман. Бу вақтда имкони борича ҳеч нарсани, ҳатто сайр қилаётганимни ҳам ўйламасликка, доимий муаммоларни ҳаёлимга келтирмасликка уринаман. 10—15 дақиқадан кейин тиниқдан миямга турли гоёлар, янги-дан-янги ўйлар ёпирилиб келади. Муаммолар ҳам ўз-ўзидан ечимини топади. Медитация ҳолатида ҳам тана, ҳам руҳий қувватим ошади", дейди.

Бугунга келиб ортиқча вазн аёлларнинг оғрикли нуқтасига айланган! Уларнинг қарийб 80—85 фоизи сарвқомат, хушбичим бўлишни истаб, озининг турли-туман усуллари қўлладан чарчамайди, қўрмайди. Ажабки, бу борада интуициядан фойдаланган аёллар мақсадига тезроқ эришиши исботланади. Ўн йилча аввал "The Journal of the American Dietetic Association" нашри икки йил давомида аёллар ўртасида интуитив овқатланишга оид тажриба ўтказди. Иштирокчилар танасидаги холестерин миқдори, қон босими, жисмоний фаоллиги доимий кузатиб борилди. Интуитив овқатланиш ва парҳезнинг бошқа турлари орасидаги фарқ шуки, бунда киши қоматининг шаклини эмас, балки ўзини қандай ҳис этиши, ички ҳиссиётларини ўйларкан, уларни тинглаш ҳадисини олади. Эътиборлиси, ушбу тажрибада нафсини жиловлаш йўллари ўргатилиб, иштаха айни очилган пайтда овқатланишдан тўхташ талаби қўйилган. Бу усул орқали кўнглиларнинг фақат жисми эмас, балки руҳий олами ҳам чиниққан.

Дунё болалари мириқиб томоша қиладиган аксарият машҳур мультфильмлар муаллифи Уолт Дисней ўз қаҳрамонларини яратиш чоғида фақат мумтоз мусиқаларни тинглаган экан. Боиси, у санъатда илҳомбахш куч борлигига, унинг одамлар қалбига эзгулик уруғларини экишига ишонган. Қизиқарлиси, мумтоз наваларнинг илк ноталарини эшитиши ҳамонқо Уолтда теша тегмаган анимацион фильмлар гоёлари туғиларкан.

Ҳа, интуитив билимлар бугун болажонлар, ҳатто ўзимиз ҳам мириқиб кўрадиган митти-митти фильмларга асос бўлган. Демак, англаш учун инсон онги даражасидаги билимнинг ўзи кифоя эмас. Турли таҳлил, кейинги жараёнларни ҳам сезиш, муҳими, таҳайюл ва тафаккурни уйғунлаштириб, ички овозга қулоқ туттиш инсонни чинакам мўъжизалар яратишга ундайди.


Чарос НИЗОМИДДИНОВА таъёрлади.

2016-yil 21-sentabr, № 76 (8933)

“МИЯ-КОМПЬЮТЕР” НЕЙРОИНТЕРФЕЙСИ ЯРАТИЛДИ

Стенфорд университети олимлари дақиқасига 12та сўзни ҳарфма-ҳарф терувчи “мия-компьютер” нейроинтерфейсини яратди.

“Journal”нинг маълум қилишича, тизим жониворларда муваффақиятли тарзда синондан ўтказилди. Янги ишланма мультieleктрон сенсорга асосланган бўлиб, бош миёга имплантация қилинади ва бармоқларнинг сичқончани қандай бошқараётгани “ўқиби олинади”. Натижادا у юборган сигнал курсорни бошқарадиган дастурий таъминотта узатилади ва керакли ҳарф терилади.



Мазкур нейроинтерфейс дастлаб сенсорлар ўрнатилган иккита макакада синаб кўрилди. Курсор ёрдамида ҳарфларни танлаш ўргатилган маймунлар “New York Times” газетасидан олинган кичик материалларни бехато кўчириб ёзди. Тадқиқотчиларнинг айтишича, дақиқасига 12та сўзни ҳарфма-ҳарф териш ҳозирча рекорд натижа экан. Имконияти чекланган ва фалаж инсонларнинг ундан эркин фойдалана олиши янада аҳамиятли.

Тўпланган маълумотлар асосида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида тизимга янги қудайликларни киритиш режалаштирилмоқда. Хусусан, ҳарф бирикмаси киритилганда матн терувчига автоматик равишда бир неча муқобил сўзларни таклиф этиш функцияси шулар жумласидан.

МЕҲНАТСЕВАРЛИК ЯХШИ ХИСЛАТ, БИРОҚ...

Америка кардиологлар ассоциацияси олимлари инсон саломатлиги учун нисбатан хавфли бўлган 5та касб турини аниқлади, дея хабар берди «Медвест» нашри.



Маълумки, оғир жисмоний меҳнат жиддий хасталикларни юзага келтиради. Бунда тана вазни ортиши ёки кескин камайиши, юрак-қонтомир хасталиклари хавфининг ортиши кузатилади. Мазкур мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотта 45 ёш атрофидаги 5 минг нафар кўнгилли жалб этилди.

Лаборатория натижаларига кўра, стенокардия ва семизлик касали кўпроқ тиббиёт, ҳуқуқшунослик, бухгалтерия, талбиркорлик соҳасида ишлайдиган кишиларда учрайди.

Иш кунинида тўлиқ фаолият олиб борувчи ходимларнинг касал бўлишига аксарият ҳолларда тўғри овқатланмаслиги ҳам сабаб бўлар экан. Овқатланиш рақсонининг бузилиши натижасида уларнинг қонинида қанд ва холестерин миқдори ортади.

Бугунги глобал шароитда каслларнинг ҳам саломатликка таъсири мавжудлигини инкор этиб бўлмайди, албатта. Шундай экан, ҳар бир соҳа вакиллари ўз саломатлиги учун қайғуриб, вақти-вақти билан ҳордиқ чиқариши, жисмоний машғулотлар билан тез-тез шуғулланиши лозим.

Фуқаро муҳофазаси йўлида

Фуқаро муҳофазаси институтида 2016 йилда сел-тошқин ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулдда вазиятлардан аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Фавқулдда вазиятлар вазирлиги томонидан ташкил этилган анжуманда соҳа мутахассислари гидрометеорологик ва геологик хавфли жараёнларнинг содир бўлиши мумкин бўлган ҳудудларда аҳоли ва ҳудуд муҳофазаси бўйича амалга ошириладиган ишлар юзасидан маълумот берди.

— Вазирлик томонидан бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда фуқаро муҳофазаси бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда, — деди Аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бошқармаси катта офицери, майор Йўлдош Жўраев. — Жумладан, Давлат геология кўмитасининг хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати ва «Ўзгидромет» маркази, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари билан ҳамкорликда Тошкент, Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг баланд тоғли ҳудудларидаги қор қатламни ҳамда сел оқимлари хавфи мавжуд ҳудудларни ўрганиш бўйича аэровизуал кузатув ишлари олиб борилди. Баҳор мавсуми бошланиши билан 32 та хўжаликдаги 206 нафар фуқаро (Анджон вилоятида 3 та хўжалик, Қашқадарё вилоятида 2 та хўжалик, Самарқанд вилоятида 10 та хўжалик, Сурхондарё вилоя-

тида 11та хўжалик, Тошкент вилоятида 4та хўжалик ҳамда Фаргона вилоятида 2та хўжалик) вақтинчалик яшаш учун хавфсиз ҳудудларга ўтказилди. Кўчки хавфи бор ҳудудларда истиқомат қилувчи Қашқадарё воҳасидаги 3та хўжалик, Сурхондарёда 1та хўжалик доимий яшаш учун хавфсиз жойларга кўчирилди.

Анжуманда жорий йилнинг ўтган даврида 422та хўжаликнинг 2120 нафар фуқароси хавфли ҳудудларда яшаётгани аниқланиб, ушбу манзиллар соҳа мутахассислари томонидан доимий муҳофазага олинган, шунингдек, кўплаб аҳоли пунктларида фуқаро муҳофазаси таъминлангани айтиб ўтилди.

Шунингдек, тадбирда фуқаро муҳофазаси соҳаси тараққий этиб бораётгани, аҳолини табиий офатларнинг салбий оқибатларидан ҳимоялаш борасида кўплаб амалий ишлар бажарилгани, бунинг натижаси ўлароқ табиий офатлардан жабр кўраётганлар сони камайиб бораётгани ҳам таъкидлаб ўтилди.

Назокат САИДХОНОВА,
ФМИ ўқитувчиси
Дилмурод ДҮСТБЕКОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ТРОМБЛАР ЛАЗЕР ОРҚАЛИ АНИҚЛанаДИ

Олимлар қон томирларидаги тромбларни лазер нури ёрдамида аниқлади, деб ёзди «Plus One» журнали.

Янги усул орқали тиббий жараёнлар ва операциядан кейинги босқичда тромбларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ жараёнларни тўхтатиш мумкин. Бунда



ўлимга сабаб бўлувчи тромбоземблик асоратлар барвақт аниқланади ва тезкор даво чоралари кўрилади. Маълумки, тромблар томирларда тўхтовсиз ҳаракатда бўлган қон оқимини сустайтиради, ҳатто тўхтатиб қўйиши ҳам мумкин. Натижادا қон томирлари фаолияти издан чиқиб, беморнинг ҳаёти хавф остида қолади.


Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2014 йили олиб борган тадқиқоти натижасида ҳар 100 минг нафар инсондан ўртача 100—150 киши тромбоземболиядан азият чекаётгани аниқланган. Янги тадқиқотда қон томирларида ҳаракатланиш имконига эга бўлган фотоакустик цитометрдан фойдаланилди. Шундан сўнг лазер нури ёрдамида флуоресцент буюёқ билан фаоллашган хужайраларга нур йўналтирилди. Олимлар ўзидан нур қайтараётган хужайраларни топиб, тромб жойлашган ҳудудни осонликча аниқлади.

ХИТОЙНИНГ БИРИНЧИ КОСМИК ЛАБОРАТОРИЯСИ

«Синьхуа» агентлигининг маълум қилишича, Цзюэюань космодроми майдонида «Тяньгун-2», яъни «Самовий қаср» деб номланувчи орбитал айлмай-тадқиқот лабораториясини ўрнатиш бўйича ишлар якунланди.

Синов намунаси устида икки йил иш олиб борилгач, мазкур космик лаборатория жорий йилнинг сентябрь ойида ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Ҳозиргача ўтказилган барча синов жараёнлари ва тадқиқотлар муваффақиятли якунланди. Мамлакат тарихидаги дастлабки космик лаборатория иншооти «Чанчжэн-2 Эф» ракета-тарқатувчи ёрдамида орбитага олиб чиқилади.

Лабораторияда турли изланишлар олиб бориш учун барча шарт-шароит яратилган бўлиб, унда икки нафар фазогир ҳаёт кечирishi ва 30 кун давомида орбитал тадқиқот олиб бориши мумкин. Унинг навбатдаги орбитал марказлар учун алоқа манбаи бўлиб хизмат қилиши ва юк ташувчи космик кемаларни қабул қилиши режалаштирилмоқда.



Юлдуз ТҲХТАЕВА, Ўғиллой РАИМЖОНОВА тайёрлади.

Аҳолини, айниқса, ота-оналар, болаларни ёнгин хавфсизлиги қоида-ларига риоя қилишга, чунончи, оқиқ алаңгадан фойдаланаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш, электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш, қўлбола усулда тайёрланган ускуналарни зинҳор ишлатмаслик ҳамда рухсат этилган жойлардагина чекишни мунтазам равишда эслатиб, огоҳликка чорлашимиз лозим.

Бефарқ бўлманг, юртдошлар!

Бу борада айна кунларда соҳа йўналиши бўйича белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари иштирокида жойларда турли тушунтириш тадбирлари олиб борилмоқда. Улардан кўзланган мақсад — юртдошларимиз ўртасида ёнгин хавфсизлиги қонун-қоидаларини кенг тарғиб қилиб, уларга риоя этишга ундаш, ёнгиннинг олдини олишга эътибор қаратишдан иборат.

Шу ўринда айтиш жоизки, «тилсиз ёв»га қарши курашини масаласи фақат ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ўзини юртимиз, ватанимиз тинчлигига, осойишталигига, мол-мулки дахлсизлигига жавобгар деб билган ҳар бир онгли фуқаронинг бурчидир. Зеро, «Ўз уйингни ўзинг асра» шиори бежиз тилга олинмайди. Унинг замирида ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила ва корхонаю муассасалар жамоасини огоҳликка чақирish мужассам.

Шунингдек, бу борада болаларимизга ҳам тўғри тарбия бериб боришимиз керак. Боиси, кичик ёшдаги ўғил-қизларга ёнгин қандай балою офат эканини тушунтиришда ота-оналаримиз, катталар ўз ҳаракатлари орқали намуна бўлса, бундай ўғитлар кичкинтойлар улғайганда ҳам ёдидан чиқмайди.

Ёнгин чиққанда, зудлик билан «101» рақами орқали хабар беришингизни ва манзилни аниқ кўрсатишингизни эслатиб ўта-миз.

Шодиёр ЭРКАЕВ,
12-ХҲХО 1-ХҲХ алоҳида пост бошлиғи, майор
Маҳмуд КАРИМОВ,
12-ХҲХО 24-ХҲХК инспектори, сержант

1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni

Устоз, бугун сизни яна кўмсадим. Қалбим соғинчлар гирдобиди. Оҳ, қани энди мўъжиза юз бериб, бола бўлиб қолсаму қадрдон мактабим парта-сида бир зумгина тин олсам. Сизнинг ҳикматларга тўла, маъноли сабоқларингизни тингласам, сеҳрли кўзларингизга боқиб, дунёни унутсам. Эсимда, тонг нуридек покиза қалбингиз, меҳр тўла кўзларингиз бизга ҳамиса қанот бағишларди. Орзулар осмонда қуш бўлиб учардик...

Устоз—оҳанрабо сўз. Йук, йук, адашдим, аслида сўзнинг эмас, сизнинг оҳанрабо-н-гиз бор эди. Эсингиздами, танаффуслар бўлди дегунча, 30 нафар ўғил-қиз атрофингизни ўраб олардик.

— Устоз....
— Устоз....
Бир-биримизга гал бермай сизга муружаат этаверардик. Ҳар биримиз саволимизга болаларча шошқалоқлик билан тезроқ жавоб олишни истардик...

Йўлларимиз ёритган маёқ

Сабокларингиздан аъло баҳо олсам, пешона ва сочларимизни силаб кўярдингиз. Биз болалар шу амалингизни яхши кўрардик. Кимўзарга ўқиб, фақат аъло баҳо олишга ҳаракат қилардик. Қўлларингиз бирам юмшоқ, иссиқ ва мулойим эдик, дунёдаги ҳеч бир мақтов ва сийлов сиз бошимизни силаганчалик қудратга эга эмасди, назаримизда. Энди билсам, меҳрингиз тафти тўғри юрагимизга ўтар экан, ўшанда. Сиз ёнимиздан узоқлашингиз биланок, синфдошларимизга гурур ила қараб кўярдик. Бу бахт эди...

Агар синфдошларимиздан бирортаси ёмон баҳо олса, хафа бўлиб кетардингиз. Кўзларингиздаги нур бир зумгина сўниб қоларди.

— Яхши ўқиш керак, кўп ўқиш керак, болаларим, — деган сўзларни деярли ҳар кун ишитардик. Бу сўзлар бизга ёд бўлиб кетганди ва унга оғишмай амал қилишга интилардик. Қўлимизда ҳар доим китоб бўларди. Биз учун дунёдаги энг билимдон одам эдингиз. Болаларча соддалик билан сизга беҳад ишонардик. Сўзларингиз, ҳаракатларингиз ибрат эди. Кўзларимиз фақат сизни кўрардик, кулоқларимиз фақат сизни эшитардик.

Бола эмасмизми, баъзан йиқилиб тушар эдик. Чанг бўлган уст-бошимизни қоқиб, елкамизга енгилганга уриб, танбех берардингиз:

Халқимиз — болажон. Фарзанди учун жонини ҳам аямлади, ўзи етолмаган орзу-ниятларга фарзанди эришишини хоҳлайди. Боласининг ҳар бир истагини муҳайё қилгиси келади. Ҳа, халқимизда фарзанд ана шундай азиз ва муқаррамдир. Шўнинг учун ҳам биз ўша машҳур нақлни мудом ёдда тутамиз: “Бола азиз, одобни ундан азиз”.

Дарҳақиқат, ўғил-қизимизни болалик чоғидан ахлоқ-одобга ўргатишга ҳаракат қиламиз. Бизнингча, одобга ўргатишнинг энг муҳим шарт — шахсий намуна. Фарзандимиздан бирор нарсани талаб қилишдан аввал, албатта, ўзимиз унга амал қилишимиз керак. Ахир ўзимиз беодоб сўзларни айтиб турган ҳолда, қандай қилиб боладан хушмуомалаликни талаб қилишимиз мумкин?

Ота-она бир-бири билан самимий муносабатда бўлган оилادا фарзандлар ҳам ўзаро аҳил бўлади. Ота-онанинг гап-сўзи бир-бирига тўғри келмадими, кўпда фарзандлар ҳам бир-бирига оқибатсиз. Негаки, шахсий намуна ўнлаб насихат ва танбехлар, ҳаётини мисоллардан кўра кучлироқ таъсир кўрсатади. “Қуш уясида кўрганини қилади” мақоли бежиз айтилмаган. Фарзандларга маънавий

— Энди шошилмай, кўзингга қараб юргин, хўпми! Асло йиқилма...

Ҳозир ўйласам, “йиқилма” деган сўзингизда бир олам маъно бор экан. Ҳаётга тик, тийран нигоҳ билан боқишни ўргатган экансиз, ўшанда.

Баъзан бир боланинг хархашасига чидалмай жавранайтган аёлларни кўрсам, сизни яна эслайман. Шунча меҳрни, шунча сабрни қаердан олган эдингиз? Кўнгили шу қадар ҳам кенг бўладими?

Умр ўтаяпти. Сочларимиз кумуш ранга кираётди. Сабокларингиз юракка муҳрланган эканки, ҳаёт йўлларимизда китобга дўст тутиндик, ҳеч кимнинг қалбига озор бермадик, йиқилишдан асрандик, энг асосийси, сиз каби оқил, кенгфез, оққўнғил бўлишга ҳаракат қилдик. Заррасини эплай олдимикан, устоз! Кечроқ бўлса-да, англадим: Сиз кечаги, бугунги ва келажакдаги йўлларимизни маёқ бўлиб ёритиб турган экансиз. Чунки илм-фан, одамайлик ҳақидаги илк сабоқларингиз бола қалбимизда тошга ўйилган нақшдек ўчмас из қолдирган экан.

Бугун байрам баҳона одатдагидек, 30 нафар собиқ синфдошлар ҳузурингизга ошиқаяпмиз. Барчамизнинг қўлимизда гулдаста. Худди мактабга илк қадам кўяётган жажжи боладек ҳис қиламиз ўзимизни. Остонада бизга кўзингиз тушган ҳамоноқ, кувончдан кўзларингиз порлаганини кўрдик. Ҳар биримизнинг яна ўша даврлардагидек, пешона ва сочларимизни силаб кўясиз. Қўлларингиз бирам юмшоқ, иссиқ ва мулойим эдик, дунёдаги ҳеч бир мақтов ва сийлов сиз бошимизни силаганчалик қудратга эга эмасди, назаримизда.

Мастураҳон САИДУРОДОВА,
журналист

Ўқитувчи — тарбиячи

озука беришнинг яна бир муҳим манбаси бу — таълим! Биз, педагог ходимлар, қайси ўқув фанидан дарс бермайлик, ўқувчиларга билим бериш билан бирга, уларнинг маънавиятига ҳам эътибор беришимиз шарт. Мана, мисол учун, академик лицейларнинг ўзбек гуруҳлари учун “Русский язык” дарсларида рус адабиёти намуналари берилган. Бу асарлардаги қаҳрамонларни гуруҳ ўқувчилари билан инсон маънавияти нуқтаи назаридан таҳлил қилишимиз мумкин. Айтايлик, Михаил Шолоховнинг “Инсон тақдир” асарига Андрей Соколов образи бор. Асар борасида гап кетганда ватанпарварлик, садоқат, дўстлик, меҳр-оқибат каби инсоний туйғулар ҳақида ўқувчилар

рихий фактлардан фойдаланиш зарур, назаримизда. Бундан ташқари, Андрей Соколовни шунча қийинчиликларни енгишга ун-даган сабр ва чидамнинг асл асосини китобдон нимада деб билиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки бизнинг асосий бурчимиз — Ватанимиз учун садоқатли ва фидойи авлодни вояга етказишдир.

Ф.Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо” асари ҳам ўқув дастуридан жой олган. Ўқувчиларга асар ҳақида маълумот берилганда, Раскольников тимсоли ҳақида жуда кенг тўхталиш керак, деб ҳисоблайман. Бош қаҳрамоннинг руҳий ҳолати акс эттирилган ўринлар ҳақида ўқувчиларга кенгрок маълумот бериш зарур. Чунки ички кечинмалар

Сиз менин қаҳрамонимсиз

Куз...Майин эсаётган ҳузурбахш шаббода райҳон исларини ди-моққа уради. Одатдагидек, эрта тонгда уйғонган Эргашой она кўчаларни сунтуриб-сидириб юрган келинига кўзи тушиб, «Бара-калла қизим, озодлик — савоб, тарбия берган ота-онанга раҳ-мат!», деди. Кейин гулзор оралаб, набираларига гулдаста сара-лади. Оила аъзолари тўқин дастурхон атрофида жамулжам.

Нонушадан сўнг ўғиллар ота-онасидан дуо олиб, бирин-кетин ишга отландилар. Ховли этагидаги ариқда сузиб юрган ўрдақлар, патларини ёзиб, чиройини кўз-кўз қилаётган тустовуқлар кишига хушқайфият бағишлайди. Марги-лондаги мўъжизагина ҳовлида бахтли ҳаёт кечираётган устозим Эргашой Абдурахмоновани ҳар гал йўқлаб борганимда шундай манзарага гувоҳ бўламан. Бугун байрам баҳона у кишига дил сўзларимни айт-гим келди:

— Устоз, сиз узоқ йиллар ша-ҳардаги 16-умумий ўрта таълим мактабиди ёшларга сабоқ бердин-гиз. Жамоадошлар, шоғирдлар орасида обрў қозондингиз. Сиз билан учрасам, бололигим ёдим-га тушади. Оналарча меҳрибонли-гингиз, қуюнчакилингиз сабаб бу-гун шу даражага етдим. Эсингиз-дами, баъзан ружани чап қўлим-га ушлаб, қийнаб юборардим. Сиз эса эринмай, ўнг қўлда ёзишни ўргатардингиз. Меҳнатларингиз зое кетмади, устоз. Бугун ўғитла-рингиз рўёбга чиқиб, хусниятим билан сизга олқиш битаёпман.

Умрингизнинг завқли онлари-ни, кўз нурингизни заҳматли, аммо шарафли касбингизга бах-шида этдингиз. Бешиқдаги фар-зандларингиз Ҳасан, Зухрони қай-нонангизга топшириб, бизга сабоқ бергани шоган пайтларингизни эсласам, сабру бардошингизга, касбингизга муҳаббатингизга та-саннолар айтгим келади. Биз ўқувчилар ҳам сизга фарзандла-рингиз қатори ардоқли ва суюқли эдик. Эсингиздами, ўшанда бе-

шинчи синфда ўқирдик. Немис тили фанидан дарс тайёрламай келганимиз учун Қосимов домла синфимиздаги барча ўқувчиларни жазоладилар. Сиз эса, тарафимиз-ни олиб, «Ҳали болаларим шундай яхши инсонлар бўлиб, сизларни уялтирсин», дед устозларга даш-ном бергандингиз. Бугун, ўшанда башорат қилганингиздек, ҳар би-римиз ҳаётда ўз ўрнимизни топ-дик. Чиндан ҳам инсоннинг ким бўлиши, қандай касб эгаллашида устоз ва мураббийларнинг хизма-ти катта экан. Мен бунга ўз ҳаётимда амин бўлдим. Ўшанда олтинчи ё еттинчи синфда ўқир-дик. Ҳали қандай касб эгаси бўлиш ҳақида ўйламасдик ҳам. Ҳар бири-миздан келажакда ким бўлиши-мизни сўрадингиз. Барча касблар ҳақида гапириб, уларга эришиши йўлларини ҳам тушунтирддингиз. Мен адабиётга қизиқардим. Шу боисми, адабиётга қизиққан киши кўп китоб ўқиши, шеърлар ёд оли-ши керак, деддингиз. Насихатингиз дилимга жо бўлиб қолди. Шу кун-дан бошлаб, борар манзилим мак-табдан кутубхонага, кутубхонадан мактабга тушади. Қаранг, орадан йиллар ўтиб, биргина сўзингиз тақдиримни белгиледи. Журна-лист деган шарафли касб эгаси бўлдим.

Бугун Ўқитувчи ва мураббийлар кун — умумхалқ байрами арафаси-да сиз орали барча устозларни ёдга олишни инсоний бурчим, шоғирд-лик вазифам деб билдим. Сизлар берган таълим-тарбия биз шоғирд-ларни тўғри йўлдан етаклайди.

Байрамингиз қутлуг бўлсин, азиз устозлар!

Манзура ЭРКАБОВА
Фаргона вилояти

Раскольниковнинг аслида қандай одам эканини очиб беради. Уни жиноятга ун-даган сабаб айнан нима экани тўғрисида савол ўртага ташланиши керак. Токи ўқувчилар ўз фикри-

инсон бўлишга керакли-ги ҳақида ўзларига тегиш-ли хулосалар чиқариб оли-синлар. Бундан ташқари, академик лицей ўқувчилари севги ёшидаги йигит-қиз-лар сифатида бу туйғунинг нақадар муқаддаслигини ҳис этадилар. Бу асар уларнинг маънавиятига жиддий таъсир этиши, шубҳасиз.

Хулоса қилиб айтганда, мустикал юрт фуқароси си-фатида Ватанимизнинг порлоқ келажаги учун жо-нини фидо қилувчи ёшлар-ни тарбиялашда ўз куч-гайратимизни тўла-тўқис сафарбар этишимиз ло-зим. Бу борада қайси касб эгаси эканимиз у қадар аҳамиятли эмас. Энг муҳи-ми, келажак авлод ҳам жис-моний, ҳам маънавий жи-ҳатдан соғлом бўлиши, маъ-навий иммунитетни мустаҳ-кам бўлиши шарт. Маъна-вияти кучли одамгина ўтқинчи хавасларга, бирова-ларнинг таъйирларига қарши тура олади.

Дилфуза САЪДУЛЛАЕВА,
Тошкент фармацевтика институти қошидаги академик лицейнинг рус тили фани ўқитувчиси

Паралимпиячиларимизнинг улкан ютуғи

миллионлаб қалбларни ғурур ва ифтихорга тўлдирмоқда

(Давоми.
Боши 1-бетда.)

12 кун давом этган паралимпия ўйинларининг сўнгги кунда иқтидорли енгил атлетикачиси Нозиммахон Қайумова найза улоқтириш баҳсида муваффақиятли қатнашиб, олтин медаль соҳибаси бўлди. У спорт предмети 44,58 метрга улоқтириб, ўз натижаси билан жаҳон рекордини ҳам янгилади.

Шу тариха делегациямиз аъзолари қўлга киритган олтин медаллар сони 8тага етди. Яқунда Ўзбекистон спортчилари 8 олтин, 6 кумуш ва 17 бронза, жами 31та медаль жамғаришга мушарраф бўлди. Бу эса паралимпиячиларимизнинг умумжамоа ҳисобида икки юзга яқин мамлакат вакиллари орасида 16-ўринни банд этиши

учун етарли бўлди. Медаллар сони бўйича эса 13-ўринни эгалладик. Бундай юксак натижа ҳали бирорта паралимпия ўйинларида кузатилмаган эди. Паралимпия дастурига киритилган спорт турларининг бештасидангина қатнашган 32 нафар спортчиларимизнинг бу натижаси эътирофга сазовор.

Агар жамғарилган медалларни спортчилар сонига нисбатан тақсимласак, спортчиларимиз 96,8 фоиз натижа кўрсатган ва XV Паралимпия ўйинларида, шубҳасиз, энг яхши кўрсаткичга эришган спорт делегацияси бўлди. Қалбларни ифтихорга тўлдирадиган жиҳати шуки, юртдошларимиз Марказий Осиё давлатлари орасида 1-, МДХда Украинадан кейин 2-, Осиёда Хитой ва

Эрондан сўнг 3-ўринни эгаллади.

Нафақат Осиё, балки дунё миқёсида биринчи поғонадан жой олган хитойликлар мазкур нуфузли фестивалда 17 спорт тури бўйича 327 нафар спортчиси билан иштирок этди. Натижа салмоқли: энг кўп — 239та медаль тўпланди. Бу борада 2-ўринга Буюк Британия вакиллари 147 медаль (260 нафар спортчи) билан кўтарилиди. Учинчи ўрин Украина спорт делегацияси (171 нафар)га насиб этди — 117 медаль. АҚШ, Австралия, Германия каби мамлакат спортчилари кейинги поғоналарга жойлашди.

Яна бир эътиборли томони шуки, дзюдочиларимиз 3 олтин, 1 кумуш ва 6 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида Паралимпиянинг энг

яхши жамоаси бўлди — 1-ўриндан жой олди. Қолаверса, спортчиларимиз рекордчилар сифатида ҳам анча машур бўлишди. Жумладан, вакилларимиз куч-салоҳияти эвазига 6 марта жаҳон, 7 марта паралимпиада ва 12 бора Осиё рекорди янгиланди.

Ҳа, мустақил Ўзбекистон ана шундай улкан қудрат ва зафарлар юрти. Бугун биз эришган ютуқларга дунёнинг манамен деган мамлакатларида ҳайрат ва ҳавас кўзи билан қаралаётгани бежиз эмас. Зеро, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов айтганидек: «Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмас, кам бўлмайди ҳам». Бу ҳали зафарларимиз деб очаси. Асосий галабалар, марралар ҳали олдинда.

Зоҳиджон ХОЛОВ



ХОЛИФИЛДНИНГ РЕКОРДИ ЯНГИЛАНДИ

Украиналик боксчи Александр Усик Польшанинг Гданьск шаҳрида бўлиб ўтган жаңда польшалик Кшиштоф Гловацкига қарши рингга чиққани ҳақида «Лента» манбаси хабар берди.

90,71 килограмгача вазнга эга чармқўлоқ соҳиблари ўртасида кечган муштлашууда Александрнинг қўли баланд келди: 119:109, 117:111, 117:111. Шу тариха у Жаҳон боксчилари ташкилоти (WBO) таъсис этган чемпионлик камарига эга бўлди. 29 ёшли украин боксчиси ҳисобида энди 10та жағ ва 10 галаба бор, 9 марта рақиблар нокаутга учратилган. Эътиборлиси, А.Усик америкалик Эвандер Холифилд ўрнатган рекордини янгилади. Эвандер чемпионлик камарига 12-жағидан сўнг эришганди.

РОСБЕРГ — ЯҚҚОЛ ЕТАКЧИ

«Формула-1» бўйича Сингапурда бўлиб ўтган Гран-при мусобақасида «Mercedes» жамоасининг германиялик аъзоси Нико Росберг галаба қозонди, деб ёзди «Спорт».

Иккинчи бўлиб марра чизигини «Red Bull» жамоаси пойгачиси австралиялик Даниел Риккьярдо кесиб ўтишга муваффақ бўлди. Кучли учликни «Mercedes»нинг британиялик вакили Льюис Хэмилтон тўлдирди.

Росберг фаолиятидаги ушбу 22-соврин «Формула-1»нинг умумий жадвалида биринчи ўринга қўтарилишига олиб келди. Шунингдек, Нико ҳисобида 273 балл, Хэмилтонда 265 ва Риккьярдода эса 179 балл бор.

Набатдаги Гран-при мусобақаси 30 сентябрдан 2 октябрга қадар Малайзияда ўтказилади.

АРГЕНТИНАДА ФИНАЛГА ЧИКДИ

Теннис бўйича Дэвис кубоги учун ўтказилаётган мусобақанинг ярим финалида аргентиналик ракеткачилар амалдаги чемпион британияликларга қарши қортга чиқди.

«Eurosport» да ёзилишича, ҳал қилувчи матчда аргентиналик Леонардо Майер британиялик Дэниел Эвансони 4:6, 6:3, 6:2, 6:4 ҳисобида енгди. Шу тариха умумий ҳисоб 3-2 бўлди — Аргентина терма жамоаси финалда. Ундан сал олдин Хуан Мартин дель Потро 5 сет давом этган баҳсда дунёнинг 2-рақамли теннисчиси Энди Маррейни мағлуб этганди. Шунингдек, Гвидо Пелье ҳам британиялик Кайл Эдмунддан устун келганди.

Нуфузли мусобақанинг ҳал қилувчи баҳсларида энди аргентиналиклар хорватларга қарши куч синашади.

СОВРИНЛАР «PENSKE» ДАН ОРТМАДИ

«ТАСС»да келтирилишича, «Penske» жамоасининг франциялик спортчиси Симон Пажно Америка «Индикар» пойга сериясининг 2016 йилги мавсуми чемпиони бўлди.

У Соном шаҳрида ўтказилган мусобақанинг якуни — 16-боксчида галаба қозонди. Мазкур кимўзарда иккинчи бўлиб маррага америкалик Грейам Раҳал (Rahal Letterman Lanigan Racing), учинчи ўринда эса колумбиялик Хуан Пабло Монтойя (Penske) етиб келди.

32 ёшни қаршилаган франциялик пойгачи умумий ҳисобда 659 очко жамғариб, «Индикар» болиби деб топилган бўлса, унинг жамоадоши, австралиялик Уилл Пауэр (532) иккинчи, «Penske»нинг яна бир аъзоси — бразилиялик Элио Кастроневес (504) учинчи ўринни банд этди.

С.МАХСУМОВА тайёрлади.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва Касаба уюшма қўмитаси фалсафа фанлари доктори, профессор Гули Маҳмудовага падари бузруквори фалсафа фанлари доктори, профессор

ТИЛАБ отанинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

«Ma'rifat» — «Учитель Узбекистана» газеталари тахририяти жамоаси «Ma'rifat» газетаси ходими Асолат Аҳмадуловага турмуш ўртоғи **Аҳаджон РАХМОНОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ватан ҳимояси — олий шараф

Жиззах давлат педагогика институти қошидаги 2-академик лицей ўқувчи-ёшлари бир неча йилдирки, «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларида фаол қатнашиб, ижобий натижаларни қўлга киритиб келмоқда. Бунда ўқув даргоҳида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанидан берилаётган сабоқлар алоҳида аҳамиятга эга.

Лицей ўқувчи-ёшлари ўртасида ҳарбий ватанпарварликни тарғиб этиш ва спортнинг техник ва амалий турлари билан мунтазам шугулланиш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Илм даргоҳида кўп йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси, захирадаги катта лейтенант Саъдулла Ибодуллаевнинг фидойилиги ва жонқуярлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Мураббий саъй-ҳаракатлари сабаб мазкур фан бўйича сабоқлар юқори савияда, қизиқарли тарзда ташкил этилмоқда. Машгулотлар ўтказиладиган хоналар зарур ўқув куроллари ва кўргазмалари воситалар билан жиҳозланган. Муаллим замонавий инновацион ва педагогик

технологиялардан фойдаланиб, ҳар бир дарсида ўқувчилар олган билимларни амалий машгулотлар орқали мустаҳкамлаб боради.

Қуролли Кучларимиз ҳаётини акс эттирувчи кўплаб фотосурат ва қизиқарли маълумотлар ўз аксини толган «Ватан ҳимояси — олий шараф», «Таянчимиз ва суюнчимиз», «Ватан — ягонадир, Ватан — биттадир», «Ҳарбий хизмат асослари», «Хавфсизлик — умумхалқ иши» каби мавзуларда деворий сурат ва фотокўргазмалар, «Қуролли кучларимиз — тинчлигимиз ва осойишталигимиз кафолати» номли кўргазмалари бурчак тайёрлашда ҳам С.Ибодуллаевнинг ҳиссаси катта бўлди.

Худуддаги ҳарбий қисм ва муассасалар, Ўзбекистон мудо-

фаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг бирлашган техник мактаби билан фаол ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Бу тадбирлар эса ўқувчи-ёшлар қалбига мардлик, жасорат ва ватанпарварлик туйғуларини чуқурроқ синдириш, келажагимиз ворисларини Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол фоярига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Лицейнинг ҳарбий таълим ўқув хонаси компьютер, кадаскоп ва проекторлар билан тўлиқ жиҳозланган, шунингдек, тўсиқлар йўлаги, саф майдончаси ҳамда бир неча спорт турлари билан шугулланиш майдончалари мавжуд.

Ўқувчилар шундай юксак шароит ва имкониятларга жавобан 2014 йили ўтказилган «Шунқорлар» ҳарбий спорт ўйинларининг вилоят босқичида совриндор бўлди, 2015 йилда йигит ва қизлар «Ёш чегарачилар» кўрик-танловида ҳам фаол иштирок этди. 2015-2016 ўқув йилида эса лицей ўқувчиларидан иборат «Алломиш» жамоаси «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларига янада пухта тайёргарлик кўриб, вилоят босқичида 1-ўринни, республика миқёсида эса 2-ўринни эгаллади. Достон Каримов, Умиджон Алиев, Сардор Ўролов, Фазлиддин Абдуназаров, Жавоҳир Абдувалиев каби ўқувчилар устозлари меҳнати юзага чиқишида алоҳида намуна кўрсатишди. Чақирқачча ёшларни тайёрлаш фани ўқитувчиси Саъдулла Ибодуллаев Мудофаа вазирлигининг «Фаҳрий ёрлиги» билан тақдирланди.

Абдулла САИДОВ

Жиззах вилояти



Тўгараклар болаларга мунтазир!

Саватдаги ранг-баранг гуллардан иборат кўркам гулдаста кизларни ўзига мафтун этган кўринади. Нозик гунчаларнинг майин барглари мейх ва кизиқиш билан ушлаб кўраётган болалар уларнинг ҳатто сунъий эканини сезмаётгандек гўё.

— Қара, дугонажон, қандай чиройли, худди ҳақиқий-га ўхшайди-я.

— Рост. Буни қандай ясади экан. Кел, биз ҳам шу тўгаракка аъзо бўлиб, шундай чиройли гуллар ясашни ўрганамиз.

Учтепа тумани "Баркамол авлод" болалар марказида бўлиб ўтган "Очиқ эшиклар куни"да қатнашган ўқувчилар ана шундай ижод намуналаридан баҳраманд бўлиб, мунчоқдан турли буюмлар ясаш, миллий ва замонавий либослар дизайнини яратиш, сурат чизишга кизиқиб қолишди. "Техник ижодкорлик", "Бадий ижодиёт", "Ўлкашунослик ва экология", "Чет тиллари" йўналишларида фаолият олиб бораётган марказда янги, 2016-2017 ўқув йилида ўқувчиларни тўгаракларга жалб этиш мақсадида

"Очиқ эшиклар куни" тадбири доирасида ижодий ишлардан иборат кўргазма ҳам ташкил этилди.

— Икки кун давом этган ушбу тадбирда тумандаги 30 мактабдан 1500 дан зиёд ўқувчи қатнашди, — дейди марказ раҳбари Зумрад Аъзамова. — Уларнинг 600га яқини ўзлари қизиққан тўгаракка аъзо бўлгани биз учун қувонарли бўлди. 15та мактаб билан шартнома тuzиб, мактаблар қoшида ҳам тўгараклар ташкил этишни режалаштиряпмиз.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.



Баркамоллик маскани

Bolalar sporti



Нукус шаҳридаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 2 минг 762 нафар ўғил-қиз дарсдан бўш вақтида спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Бадийий гимнастика, волейбол, футбол, гандбол, таэквондо (WTF), енгил ва оғир атлетика, эркин кураш, теннис, дзюдо, сузиш, миллий кураш, турон якка кураши каби спорт секцияларида самарали машғулотлар йўлга қўйилган. Теннис ва стол тенниси тўгараги, айниқса, ёшлар билан гавжум.

Суратларда: ёш теннисчилар.

ЎЗА фотомуҳбири

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган суратлар.



Ma'rifat

ТА'СИС

ETUVCHILAR:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о'рта махсус та'лим вазирлиги, Ўзбекистон Та'лим, сан ва маданият хodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi.

Бoш муharrир Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan. Indeks: 149, 150. T-924. Tiraj 35791.

Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416



«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiz qilinmaydi va maallifga qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.
Navbatchi muharrir:
Sanobar JUMANOVA.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

ЎЗА yakuni — 21.05 Topshirildi — 22.05

1 3 4 5 6